

جدید

2025-yil 12-dekabr
№ 50 (102)

www.jadid.uz



Tilda, fikrda, ishda birlik!

Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy



@Jadid_uz



БАТАН МАНЗУМАСИ

Ҳамид ОЛИМЖОН


ЎЛКА

Мен дунёга келган кунданоқ
Ватаним деб сени, уйгондим,
Одам бахти биргина сенда
Бўлурига мукамал қондим.

Қулоғимга номинг кирганда
Қумлиқ каби ташна боқурман,
Сенинг жаннат водийларингда
Наҳрлардай тўлиб оқурман.

Билсинларким, йўлдошим бўлмас
Кўзда ёши билан қулганлар,
Тиллари бор, ўзлари ҳаёт,
Лекин юрак-бағри ўлганлар.

Ҳар айтганинг буюк жангнома,
Қайга десанг, қайтмай кетурман.
Қўзларимни юммасман асло –
Дарё каби уйғоқ ўтурман!



(3-саҳифада ўқинг).

ФАКТ

- ✓ Кўксарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Парагвай Республикаси Президенти Сантьяго Пенья расмий делегациялар иштирокида музокара ўтказдилар.
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифи-га биноан 11-12 декабрь кунлари амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёева “Замонавий жамиятда хотин-қизларнинг ўрни” мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этди ва нутқ сўзлади.
- ✓ Hyundai Rotem Ўзбекистонга юқори тезликдаги поездларининг биринчи партиясини жўнатди. “Жалолоддин Мангуберди” номи берилган янги тезюрар поездлар келгуси йил Тошкент–Урганч–Хива йуналишида ҳаракат бошлади.

МУТОЛААДАН СЎНГ



Кошғарий салтанати

ТИЛ ИЛМИНИНГ НАЙЗАДОРИ

Атоқли олим ва мутафаккир Маҳмуд ибн Ҳусайн Кошғарийнинг ҳақиқа, бутун туркий эллар, ҳар қанча дуо қилсак арзийди. Асли қорахоний ҳукмдорлар авлодидан бўлган, машҳур Бугра Қорахон сулоласига еттинчи бўғинда туташадиган бу улуғ зот ўткинчи мулк ҳою ҳавасидан мардона кечиби, боқий сўз салтанатини забт этмакка қарор қилди ва бу кетмас давлатнинг ўлмас соҳибига айланди – “фармон доиралари кенгайсин!”

Кошғарий шунга муносиб, чунки “тилда уларнинг энг етуқларидан, энг катта мутахассисларидан, хушфаҳм-

(Давоми 4-5-саҳифаларда).

ларидан, эски қабилаларидан, жанг ишларида найзадорларидан эди” у. Бепоев ҳудудни поёу пиёда кезиб, ўттиздан ортиқ туркий лаҳжаларни – энг кичик фарқларига чуккур ўрганиб ва ниҳоят, улуғ ёшга етганида ўзининг бебаҳо асарига – “Девону луғатит турк”га нуқта қўйиб, сокин бир қониқиш ила тин олган Кошғарий бобонинг нурли сиймосини тасаввур қиламан. Мана, йиллар давомида инжу каби терилган сўзлар унинг қаламравида, “китоб янгилликлари беришда қиёмига, қиймат ва муҳимликда эса поёнига етди” – “араб тили билан икки улоқчи от сингари тенг пойғада ўзиб бораётган турк тили” яшар экан, энди бу китоб ҳам мангу барҳаётдир.

ЖАРАЁН

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР

камбағалликни тугатишга хизмат қилади



Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 9 декабрь куни маҳаллаларни ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудларга айлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборот билан танишуви чоғида фойдаланилмаётган имкониятлар, бу борадаги сусткашликларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб берди.

Бундан ўн йил муқаддам, 2015 йилда БМТ томонидан қабул қилинган Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) инсониятнинг келажигига катта умид бағишлаган, ундаги 17 та глобал мақсад, айниқса, биринчиси – 2030 йилгача жаҳон миқёсида камбағалликка барҳам бериш вазифаси дунё ҳамжамияти олдида улкан, аммо амалга ошириш мумкин бўлган вазифани қўйган эди.

(Давоми 2-саҳифада).

12 ДЕКАБРЬ – ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КҮН



АСРГА ТАТИГУЛИК УЧРАШУВ

1990 йилларнинг боши. Олис шимолда ҳарбий хизматдаман. Бир куни командиримиз Тўракул Ўрқачиев Энасой дарёси бўйида кимсан Чингиз Айтматовни учратганини айтиб қолди. Бу хушхабарни эшитганим заҳоти мени ҳам таништириб қўйишни илтимос қила бошладим. Тўракул оға бироз оғринди: “Қани, иним, билиб келай-чи. Катта ёзувчининг вақти, имкони, хоҳиши бўлармикан...” Тўғриси, доврўғи етти иқлимга етган адиб ва арбобнинг оддий аскар билан гурунглашишига ўзим ҳам ишонмасдим. У киши президентлар, қироллар, космонавтлар, хуллас, Ер юзининг казо-казолари билан ҳамсуҳбат бўлиб юрган бўлса... Шу ҳаёлда уч соатни ўтказдим. Бир маҳал командиримиз ўзига хос бўлмаган бегоналик билан келиб қолди.

(Давоми 3-саҳифада).

СУҲБАТ

ҚУЁШ САНДОНИ

Суҳбатдошимиз – ЎзФА Материалшунослик институти директори, академик Одилхўжа ПАРПИЕВ 1965 йил 30 сентябрда таваллуд топган. 1990 йилда Тошкент давлат университетини тамомлаган. ЎзФА Иссиқлик физикаси бўлими кичик илмий ходими, Ўзбекистон Фан ва техника давлат комитетида бошқарма бошлиғи, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раиси

ўринбосари – Ижро аппарати раҳбари, Фан ва технология агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари, “Физика-Қуёш” ИИЧБ бош директори лавозимларида ишлаган. 40 дан зиёд илмий ишлар, жумладан, бир монография ва ЭҲМ учун дастур муаллифи. Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори.

(Давоми 6-саҳифада).

ТАҚДИМОТ

САЙРДАН СЎНГ

Куни кеча Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзамнинг “Момақалдиқроқ остида сайр” номли янги романи ҳамда адибнинг 75 йиллик юбилейига бағишланган “Эркин Аъзам ижоди: таҳлил ва талқин” номли китоб тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирни институт директори, филология фанлари доктори, профессор Низомиддин Маҳмудов олиб борди.

(Давоми 2-саҳифада).





ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР камбағалликни тугатишга хизмат қилади

Бошланиши 1-саҳифада.

Бироқ, бугунги кунга келиб, бу эзгу мақсадга олиб борадиган йўл силлиқ кечмаётганини ҳаммамиз қўриб турибмиз.

Айни пайтда инсоният оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Дунёда геосиёсий кескинлик, иқтисодий ва ижтимоий беқарорлик тобора ортиб бормоқда. Ер юзиде кузатилаётган иқлим ўзгаришлари, сув танқислиги ва пандемиялар туфайли турли минтақаларда оғир ва машаққатли синовлар пайдо бўляпти. Бу омиллар нафақат табиий муҳитга, балки ижтимоий-иқтисодий тизимларга ҳам жиддий зарба бераётир. Натижада БРМга эришиш йўлидаги ютуқлар секинлашиб, баъзи соҳаларда орқага кетиш кузатишмоқда. Беш йил олдин дунёда 650 миллион аҳоли камбағалликда яшаган бўлса, бугун уларнинг сони 800 миллиондан ошгани ҳам шундан далолат беради.

Маълумки, камбағаллик юртимизда кўп йиллар ёпиқ мавзу бўлиб келди.

Фақат Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январь кун Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу ҳақда очиқ-ойдин гапирилди ва тарихимизда биринчи марта камбағалликни қисқартириш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда одамларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларни муносиб иш жойи билан таъминлаш, даромадини ошириш, турмуш шароитини яхшилашга қаратилган изчил ислоҳотлар туфайли 7,5 миллион аҳоли камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражаси 2024 йилда 8,9 фоизга туширилди. 2025 йил якунигача уни 6 фоизгача камайтириш мақсад қилинган. Албатта, қисқа муддатда бундай натижаларга эришиш ўз-ўзидан бўлмайди.

Ўзбекистон ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш учун етти та устувор йўналишни ўз ичига олган “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга оширмоқда. Энг ав-

вало, камбағал аҳолини шунчаки ишга жойлаштириш эмас, балки доимий иш ўринларини кўпайтириб, одамлар барқарор даромад манбасига эга бўлиши учун шароит яратил-япти. Фаол инвестиция сиёсати туфайли шу йилнинг ўзиде 35 миллиард доллар сармоя эвазига 9 мингдан ортиқ янги корхона, 300 мингга яқин юқори даромадли иш ўрни ташкил этилаётгани камбағалликни қисқартиришда муҳим омил бўлмоқда. Қўлай ишбилармонлик муҳити ҳисобига ўтган саккиз йилда 700 минг тадбиркор ўзининг барқарор бизнесига эга бўлди. Эътиборлиси, давлат бизнесига шароит яратиб бермоқда, тадбиркорлар эса ўзига ижтимоий масъулият олиб, эҳтиёжманд аҳолини ишли ва даромадли қилишда кўмакчи бўлмоқда. Мана шундай самарали ҳамкорлик туфайли шу йилнинг ўзиде 270 мингдан зиёд камбағал оила аъзоси доимий ишли бўлди.

Одамларнинг билимини оширмасдан туриб, уларни “камбағаллик гирдобини”дан чиқариш имконсиз. Шу боис, сифатли таълим асосида инсон капиталини ривожлантириш узоқ муддатли истиқболда камбағалликни қисқартиришнинг асосий драйвери бўлиб қолади. Сўнгги беш йилда 800 мингдан зиёд аҳоли замонавий касбларга ўргатилиб, юқори даромадли ишларга жойлаштирилди. Келгусида халқаро стандартлар асосида Касбга тайёрлаш халқаро марказлари ташкил этилади, уларнинг битирувчиларига хорижда тан олинмаган сертификатлар бериш йўлга қўйилади.

Бугун Президентимиз ташаббуси билан хотин-қизларни жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганига барчамиз гувоҳмиз. Болаларимизнинг боғчалардаги қамрови 27 фоиздан 78 фоизга ошгани натижасида 1 миллион аёллар таълим олиш, касб-хунар ўрганиш ва даромад топиш имконига эга бўлди. Хотин-қизларга олийгоҳда ўқиш учун фойсиз кредит ажратиш, магистратурада бепул таълим олиш тизими жорий этилди.

Ҳозирги кунда талабаларнинг 53 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётгани, шу йилнинг ўзиде 1 миллион 700 минг аёл ишли бўлгани қувонарлидир. Келгуси йили ҳам “Рақамли авлод қизлари” дастури доирасида 50 минг нафар қизлар янги технологиялар бўйича ўқитилади. Келаётган йилдан меҳнат бозорида аёллар учун тенг шароит яратиш мақсадида ижтимоий суғурта тизими қамрови кескин оширилади. Бу эса уларнинг камбағалликка тушиб қолмаслигини кафолатлайди.

Шунингдек, 140 минг камбағал оилага шифокор бириктирилиб, уларни йилига бир марта тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказиш йўлга қўйилди. Энди кафолатланган тиббий хизматлар кўпайтирилиши натижасида кам даромадли оилаларнинг бунга сарф қиладиган харажати икки қарра қисқартирилади.

Бунда уларга бепул дори ва кафолатланган тиббий хизматлар пакети тақдим этилади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли билан манзилли ишлаш — камбағалликка қарши курашда асосий йўналишлардан бири. Имконияти чекланган аҳолининг камбағалликка тушиб қолиш эҳтимоли юқори. Шу боис, уларни кўллаб-қувватлаш, инклюзивлик асосида жамиятга интеграция қилиш бўйича янги ёндашувлар ишлаб чиқилди. Муносиб меҳнат шароити яратилгани учун бу йил ногиронлиги бор 150 минг нафар шахс ишга жойланди. Уларга зарур тиббий жиҳоз ва анжомлар бепул етказиб берилмоқда. Имконияти чекланган болаларни мактаб ва касбий таълим билан қамраб олиш учун алоҳида дастурлар амалга оширилмоқда.

Худудларда инфратузилмани яхшилаш, одамларга яшаш учун қўлай шароитлар яратиш, албатта, камбағалликни қисқартиришда муҳим қадам бўлади. Шу мақсадда қарийб 3,5 миллион аҳоли яшайдиган, шароити оғир мингта маҳаллада инфратузилма яхшиланди. Натижада шу йилнинг ўзиде 470 минг хонадонга қарашли томорқага сув борди, яна 790 минг хонадонда электр энергияси таъминоти яхшиланди.

Келгуси йили маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш, иш ўринларини кўпайтириш, тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш учун яна 400 миллион доллар ажратиш белгиланди. Бунда 32 та туман ва ижтимоий шароити оғир 328 та маҳалла танланиб, уларни ривожлантириш бўйича алоҳида дастур қабул қилинади. Шунингдек, 810 та маҳаллада сув, канализация, йўл, мактаб ва боғча қуриш бўйича 1,3 миллиард долларлик лойиҳалар амалга оширилади. Уй-жойга муҳтож ва даромади паст аҳолига ипотека тизимида фойдаланиш учун ҳар йили 200 миллион доллар субсидия ажратилади. Яхши маълумки, камбағалликни қисқартиришда “маҳалла еттилиги” аъзоларининг ўрни катта. “Еттилик” фаолияти аҳоли бандлиги ва даромадлари орттишида бевосита етакчи роль ўйнаши лозим. Келгуси йили камбағаллик кўрсаткичини 4,5 фоизгача қисқартириш мақсад қилинган экан, бунинг учун маҳаллаларда ишларни ташкил қилишга комплекс ёндашиш, барқарор бандлик йўналишидаги хизматлар қамровини кенгайтириш, даромад манбаларини яратиш, аҳолини касб-хунарга ўқитиш ва тадбиркорликка жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда лойиҳавий ёндашув доирасида “Бандлик органлари — иш берувчилар ҳамкори”, “Тенг имкон — инклюзив бандлик”, “Барқарор келажақ сари”, “20 та маҳаллий бренд”, “Бир контур — бир маҳсулот”, “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш”, “Ижара ер ва томорқада сув таъминоти яхшилаш”, “Эски боғларни янгиллаш”, “1 минг гектар меваги боғ”, “Экспортчи кооперативлар” каби дастурлар билан миллион нафар камбағал аҳолини қамраб олиш режалаштирилган.

Камбағаллик ва ишсизликни камайтиришда маҳаллаларда кичик ва ўрта лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан, чегара ва англав худудларда инфратузилмани яхшилаш, туну кун ишлайдиган кўчалар, туристик маҳаллалар, микросаноат марказларини ташкил этиш, соҳил ва йўл бўйи инфратузилмаларини ривожлантириш тақозо этилади.

Камбағалликни қисқартириш соҳасидаги ўзига хос ва бошқа мамлакатлардан тубдан фарқ қиладиган жиҳат — юртимизда маҳалла институтининг мавжудлигидир. Ўзини ўзи бошқаришнинг мазкур ноёб тузилмаси жамият бошқарувининг энг қуий таянч бўғинидир. Маҳалладаги ислоҳотлар аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш самарадорлигига бевосита таъсир этади. Маҳаллада ҳар бир оиланинг турмуш даражасини мониторинг қилиш орқали яшаш шароити, асосий ижтимоий хизматларга эҳтиёжларини аниқлаш имкони мавжуд. Шунинг учун камбағаллик кўламини объектив баҳолаш, мониторинг қилиш, аниқ чора-тадбирлар қўришда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти жуда катта.

Маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари”ни аниқлаш ва янги, жумладан, драйвер лойиҳаларни амалга оширишда ташаббускорларга кўмаклашиш, шу орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш, мавжуд имкониятларни ўрганиш ва самарали фойдаланиш орқали жойларда тадбиркорлик ва рақобат муҳитини яхшилаш, самарадорлик ва даромадлилик тамойилларидан келиб чиқиб, тадбиркорларга сифатли хизмат кўрсатиш, маслаҳат бериш ва бизнес режалар тайёрлаш учун мижозга йўналтирилган хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бу жараёндаги муҳим вазифалардан саналади.

Мана шундай кенг кўламли сайё-ҳаракатлар билан Ўзбекистон 2030 йилга қадар камбағалликни икки қарра қисқартириш бўйича олган мажбуриятини барвақт бажаришга интилоқда ва БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида қатъий қадмалар қўймоқда.

Аминимизки, амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини беради, инсон қадри улугланган юртда ҳар бир фуқаронинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечирishi учун барча шароитлар яратилади.

Жамолиддин БАДАЛОВ

ФАРМОН ВА ИЖРО

НАҚД ҲАМ, ВАҚТ ҲАМ ТЕЖАЛАДИ

тўловлардаги янги тартиб ҳақида

Ўзбекистонда кейинги йилларда иқтисодийётни шаффофлаштириш, замонавий тўлов тизимларини кенг жорий этиш, энг муҳими, одамлар учун қўлай ва хавфсиз молиявий муҳит яратиш йўлида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бироқ, афсуски, бозорда ҳамон нақд пул айланмасининг юқорилиги, турли соҳаларда тўловларнинг ҳисоб-китобга тўлиқ кирмаслиги, яширин иқтисодийётнинг сақланиб қолиши каби муаммолар йўқ эмас. Дўкон ёки хизмат кўрсатувчи масканларда унда-бунда “терминал ишламайди”, “фақат нақд оламитиз” каби гаплар учраб туради. Бунинг ортидан эса тадбиркорга ҳам, аҳолига ҳам нуқуллик юзага келмоқда.



Фармон қандай ўзгаришларни тақдим этапти?

2026 йил 1 апрелдан бошлаб бир қатор йўналишларда тўловлар фақат банк карталари ёки электрон тизимлар орқали бўлади. Масалан, давлат хизматлари, электр, газ, сув учун тўловлар, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, ёқилғи қўйиш шохобчалари хизматлари ана шу рўйхатга киради. Қиймати 25 миллион сўмдан юқори бўлган товар ва хизматлар, шунингдек кўчмас мулк ва ишлаб чиқарилганга 10 йилдан ошмаган янги транспорт воситалари олди-сотдисси ҳам фақат нақдсиз амалга оширилиши бу соҳадаги сохталиклар, “қўринар-қўринмас” пул айланмаларини кескин камайтиради. Фармоннинг барчамизга энг яқин ва ҳаётда тез ҳис этиладиган янгилиги — бу ягона QR-код тизимининг жорий этилиши. Бугун кўплаб дўкон ва хизмат кўрсатиш жойларида касса ёнида уч-тўртта турли банкка тегишли QR-кодлар қаторлашиб турганини кўрамиз. Харидор эса тўлов қилаётганда улардан қайси бирини “ўқитиш” кераклигини аниқлашга озгина бўлса-да вақт сарфлайди, баъзан кодлар орасидан танлаш қийинлашиб, тўлов жараёни секинлашади.

Ягона QR-код эса бу ортиқча тартибларни енгилаштиради. Янги тартибга кўра, барча юридик шахслар учун битта универсал QR-код бўлади, ҳамма тўлов иловалари уни ўқийди. Бу тартиб 2026 йил январ-

дан бошлаб жорий этилади, 1 июлдан эса мажбурий бўлади.

Аслида, бу ислоҳотларнинг энг асосий мақсади оддий аҳолининг кундалик ҳаётини енгилаштиришга қаратилган. Чунки тўловларни электрон тарзда амалга ошириш имкониятлари кенгайгани сайин одамларни кўп безовта қиладиган майда, лекин ҳар ой тақорпланадиган қийинчиликлар йўқола борапти. Масалан, коммунал тўловларни тўлаш учун банкка бориш, навбат кутиш, терминал ишламай қолса, бошқа жой излаб овора бўлиш каби ҳолатлар деярли учрамайди. Электрон тўловлар қўлайлигини аҳоли тушуниб етганига анча бўлди.

Тўловларни рақамли форматга ўтказишнинг яна бир қўлай томони шуки, барча маълумотлар аниқ ва узоқ муддат сақланади. Қаерда, қачон ва қанча тўлаганингиз ҳақидаги маълумот доимо қўлингизда бўлади. Бу одамларга ўз ҳисоб-китобини бошқаришни енгилаштиради, тушунмовчиликлар ва ортиқча сарсонгарчиликларни камайтиради.

Марказий банк маълумотлари ҳам бу ислоҳотлар зарурлигини кўрсатиб турибди: мамлакатда айланма нақд пул миқдори бир йил ичида деярли 80 триллион сўмга ошган. Яъни, бозорда, дўконларда, хизмат кўрсатиш жойларида нақд пул ҳаддан ташқари кўпайган. Нақд қанча кўп бўлса, унинг қаерга кетганини назорат қилиш ҳам шунча қийин. Шу боис тўловларни электрон шаклга ўтказиш — ҳисоб-китобни тартибга солишнинг энг осон, ишончли йўли.

Бир пайтлар “фақат нақд яхши”, “пулни қўлда ушлаб туриш хавфсизроқ” деб ўйлаган аксар одамларнинг ўзи ҳам энди карталарга ўрганиб қолди. Маошни картада оламитиз, харидларни карта билан қиламиз. Шу маънода, электрон тўловлар уллушининг ошиб бориши табиий жараён. Кундалик ҳаётда ҳам шунга қўника бошлагандик, энди бу тизим янада тартибли ва бир хил қоида асосида ишлайдиган бўлади.

Шукрулло КАРИМОВ

Бошланиши 1-саҳифада.

Дастлаб филология фанлари доктори, профессор Мақсуд Асадов янги романдаги бадиий ечимлар ва гоёвий қатламлар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирди. Кейин эса ёзувчи Маматкул Ҳазраткулов ва филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборов сўзга чиқиб, Эркин Аъзам ижодининг ўзига хос қирралари, хусусан юмористик баён услуби, кинояли ва жонли тили, шунингдек, қўтилмаган бадиий ечимлари билан алоҳида ажралиб туришини таъкидладилар.

САЙРДАН СЎНГ

Филология фанлари доктори, профессор Санобар Тўлаганова янги асар ҳақида гапираркан: “Эркин Аъзам асарларида воқеалик кузатувчи нигоҳнинг нуқтаи назари орқали очиб берилади. Адиб воқеаликни ижтимоий кўламда ёритади. Киноя оҳангидаги аччиқ истеҳзо, кесатик, пичинг ортидаги ҳазинлик ўқувчига ҳам “юктирилади”. Ҳақиқат кинояга ўраб бериладики, ўқувчи ҳақиқат билан юзма-юз туради”, деди.

Шундан сўнг филология фанлари номзоди, профессор Эргаш Очилов, филология фанлари доктори, профессор Марҳаб Қўчқорова ва “Тафаккур” журнали бўлим мудири Нодира Афоқова ҳам сўз олиб, “Момақалдиқроқ остида сайр”нинг бадиий хусусиятларига эътибор қаратдилар. Таъкидлаганича, ёзувчининг инсон табиатидаги энг чигал жиҳатларини очикдан-очиқ эмас, балки нозик ишоралар орқали ифода этиши унинг асарларига ўзига хос таъсирчанлик бахш этади. Шу маънода, романи ҳам жиддий мушоҳада, руҳий теранлик ва бадиий ишораларга бой асар сифатида эътироф этилди.

Филология фанлари номзоди Гулноз Сатторова, адабиётшунос ва санъатшунос Иқбол Қўшшаева, институтнинг Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи бўлими кичик илмий ходими Шаҳноза Раҳмонова ва филология фанлари бўйича фалсафа доктори Машхура Шералиева ҳам маърузалари орқали муҳокама доирасини кенгайтирдилар.

ни ҳақида мушоҳада юритди. Шу тариқа, иштирокчиларнинг ҳар бири Эркин Аъзам ижодининг турли қирраларига тўхталиб, унинг ўзбек адабиётига улкан қўшган ҳиссаси ва ўзига хос услубини қайд этдилар. Хусусан, маърузаларда ёзувчининг “Чапаклар ва Чалпаклар мамлакатини”, “Отойининг туғилган йили”, “Чироклар ўчмаган кеча”, “Кечикаётган одам”, “Байрамдан бошқа кунлар”, “Жавоб” каби асарлари ҳамда янги романи ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, бадиий, услубий уйғунлик тўғрисида сўз борди.

Ярим асрлик самарали ижодий меҳнати давомида Эркин Аъзам ўндан ортиқ роман, қисса ва ҳикоялар тўплами ҳамда йигирмага яқин экран ва саҳна асарларини яратди. “Момақалдиқроқ остида сайр” романи аввалроқ “Шарқ юлдузи” журналида (2025 йил, 6-сон) эълон қилинган ва китоб кўринишига келгунга қадар бир неча бор таҳрирдан ўтган.

Адабий анжуманда филология фанлари доктори, профессор Санобар Тўлаганованинг “Эркин Аъзам адабиёт кўрғони” асари ҳам эътироф этилди. Ушбу тўпламда атоқли адиб шахси ва ижоди ҳақидаги янги фикрлар, ҳушосалар ҳамда поэтик аҳамиятга молик талқинлар баён этилган. Шунингдек, унда ёзувчининг бадиий дунёқарашини, образ яратиш маҳоратини, жанрлар билан ишлаш услуби ҳамда адабий тараққиётда тутган ўрни пухта таҳлил қилинган.

Шахриёр ШАВКАТ

АСРГА ТАТИГУЛИК УЧРАШУВ

Бошланиши 1-саҳифада.

“Омадинг бор экан, аскар! Чингиз оға учрашувга рози бўлди. Ўзиям дангал одам экан. Аммо-лекин сени ҳам ёзувчи деб юбордим. Шеър-пеърингдан кўтариб бор”, деганча нари кетди.

Баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. Кимсан, “Асрга татигулик кун”, “Алвидо, Гулсари!”, “Жамила” каби асарларни ёзган инсоннинг олдига “ёзувчиман” деб бораманми? Кечирасиз, ўртоқ командир, Сибирнинг Тува ўлкасида оёғимдан совуқ ўтса-ўтгандир, лекин мия фаолиятидан шикоятим йўқ!

Ниҳоят, белгиланган вақтда Энасой соҳилига тушиб бордик. Дарёга қарасам, анвойи ўтлар Маргилон атласидай товланади, денг. Томоққа недир тикилади, ҳаяжонга йўяман.

Мана, Чингиз оғага кўзим тушди. Шу маҳалгача рангли-рангсиз суратларини кўриб юрганимиз – буюк ёзувчи билан ота-боладай кучоқлашиб кўришдик. Хизмат қандай кетаётгани билан қизикди. Туркона мулозамат билан тушликка таклиф қилди. Дастурхон устида суҳбат қизиди.

– Журналист бўлмоқчиман, денг, – деди Чингиз Айтматов жилмайиб. – Умуман олганда, тақдирингизни боғламоқчи бўлган ҳунар чакки эмас. Умримнинг кўп қисми ижодий сафарларда кечган. Тоғу тошларни, дашту биёбонлар, дарё-кўллар, далалар, ўтлоқларни беармон кезганман. Турли касб эгалари билан қадрдонлашиб, эл бўлиб кетганман...

Бу сўзлардан “энди шу ҳунардан қолма, одамларни кузат – шу сенинг тақдиринг”, деган бир маънони англагандай бўлдим. Ёшлик ҳаваси аниқ мақсадга айланди. Шу учрашувни шарҳ этиш учун ҳам журналист бўлишим шарт эди гўё.

Суҳбат мавзуси ўз-ўзидан туркий халқларнинг муқаддас меросларидан бўлган Энасой тарихига кўчди. Чингиз оғанинг “Оқ кема” қиссасидаги шеър эсингиздами?

– Кўнглимдагини айтсам, Тува кенгликларини, тўлиб-тошиб оқадиган Энасойни севаман. Москвада олий адабиёт институтида ўқиб юрганимда ҳам, ундан сўнг ҳам кўп бор туркийларнинг ор-номусини, латофатини энтиқиб соғинишим ҳамон оёқларим беихтиёр шу ёққа бошларди. Бу дарёнинг мавжудлиги, унинг сирсаноати ҳақида болалигимда зўр қўбизчи Айтмат бобомдан кўп эшитгандим. Оч пуштиранг тўлқинлар пишиқиради. Улкан дарё устида сув қушлари шовқин солиб “гап бозори”ни қизитади. Тумшукларини сувга тикиб ҳўрак излаб топади. Ўзи мен дарё соҳили бўйлаб танҳо сайр қилишни, адоқсиз хаёлларга чўмишни яхши кўраман, – дея хийла сукутга чўмди Чингиз оға.

Шу куни адбнинг гурунга майли бор эканми, ҳаётидаги қизик воқеани шундай ҳикоя қилиб берди:

“Бир қал Таласга борсам, Боз ака (тўлиқ исми Бозорбой) “шаҳарда сиқилиб кетгандирсан”, деб тоққа судради. Чўпон манзилга боргунча оғзидан бол томиб, учраган ўсимликлар, қушлар, ҳайвонлар тўғрисида гапириб борди (Қани энди, имконим бўлганида, нуқул тоғлардаги булоқлару ашмалар, майсалару чечаклар, лочинлару бургутлар, архарлару илвирслар, турфа қушлар тўғрисида асарлар ёзган бўлардим). Кун найза бўйи кўтарилган, пешин оғишига ҳали вақт бор эди.

Бир пайт ўнгирлар орқали орқа-олдига қарамай, лўкиллаганича кетаётган бўрилар галасини кўриб қолдик. Ортидан сездирмасдан, изма-из боравердик. Қашқирлар сўқмоқ йўлдан водийга эниб борарди. Олдинда калласи катта, бўйни йўғон арслон бўри илдамлар, унинг орқасидан тагин еттита бўри маросимдан қолмаслик учун эргашиб борарди. Айниқса, тепадан уларнинг ҳар бир ҳаракати аниқ кўриниб турарди.

Ҳадемай қиш бостириб келади. Ана ўшанда бу ерга тиззабўйи қор ёғади. Бўриларга эса қорин тўйғизиш ташвиши тушади. Агар ўлжа топса, яйраб-яйраб, қувониб чангини чиқаради. Бордию егулик топилмаса...

Ортидан тушганимизни жониворлар сезмаслиги мумкин эмасди. Лекин бу ўжар бўрилар қочишни хаёлига ҳам келтирмасди. Бироздан сўнг шундай бир ҳолат юз бердики, айтган билан биров ишониши амримаҳол. Бўрилар булоқ атрофида доира ясаб, кўкка қараб увлай бошлади. Бу ёввойи товуш эмас, ростакам нолаю афғон эди. Улар тахминан шундай деб ёлворарди: “Эй, Қодир Эгам! Бўри қавми учун тирикчилик шарбатини симириш, хотиржам, тинч ҳаёт кечириш тобора қийинлашиб бораётир. Табиатдаги улушимиз тораймоқда. Устига-устак одамзоднинг таъқиблари... Сонимиз камайди. Кўплаб қавмдошларимизни қийратишди. Бу кетишда бўри қавми учун ов қиладиган ерлар, ўлжа оладиган жониворлар қолмайди-ку?! Шундай бўлгач, биз насл қолдириш бахтидан мосуво бўламиз-ку? Ўзинг биз бўриларга раҳм эт, мушкулимизни осон эт!” Буни кўрган чўпон оғам ҳам йиғлаб юборганди ўшанда...”

Айтишича, бу воқеа ўн бир ёшида бўлиб ўтган ва Чингиз оғанинг юрагига чуқур из қолдирган. Ижодкорнинг дили тубидан отилиб чиққан қуйидаги сўзлар ҳам мени бефарқ қолдирмади:

– Узоқ йиллар бўриларни ўргандим, фикр юритдим, махлуқлар табиатини миридан-сиригача билиб олдим. Хўш, нима учун? Тошчайнар ва Акбарага ўхшаган қилни қирқ ёрадиган, чайир, қўркув нималигини билмайдиган номдор бўриларни “Қиёмат” романимга қаҳрамон қилиб олиш учун. Салобатли ва маҳобатли тоғ бағрида, Бозорбой чўпон отарида кўрганим – Тошчайнарни эслаб, унинг характери ни яратишга бел боғладим. Оқибатда, воқеаларга ўқувчиларни ишонтира олдим.

Чингиз оғанинг сўзларини тинглар эканман, унинг насрида реаллик ва романтика уйғунлашиб кетгани сабабларини англай бошладим. Ҳа, буюк адиб она табиат билан бир бўлиб ўйлар ва ўйларини оқ қоғозга маҳорат билан муҳрлар, ғаройиб жиҳати, у техника асри ютуқларидан фойдаланмасдан, фақат ручкада ёзар экан. “Бармоқларим ёзув нафосатини, машаққатини ҳис этсин, дейман-да” деб буюк адиб ҳоржин жилмайиб қўйди.

Ўтган вақт мобайнида кўплаб улуғ ижодкорлар билан ҳамсуҳбат бўлдим. Аммо умримнинг энг унутилмас кuni – Чингиз Айтматов суҳбатига мушарраф бўлган куним эди. Мен учун ўша гурунг ҳамон давом этмоқда. Қандай қилиб? Мутолаа орқали...

Улуғбек ЖУМАЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

УЙҒОҚ ХОТИРА

БУЮКЛИК ОДДИЙЛИКДАДИР

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, филология фанлари доктори, профессор Наим Каримов умри давомида Ватан мустақиллиги учун курашган жадид намоёндаларининг машаққатга тўла ҳаёти ва серқирра ижоди ҳақида қатор илмий-адабий тадқиқотлар яратди.

Олим “Китоб дунёси” газетасида 2015 йил 25 ноябрда чоп этилган “Отам, болалик ва илк мақола...” номли хотирасида: “Шеъриятга меҳрим кўпроқ бўлгани учун яхши кўрган шеърларимни бир ўқишда ёдлаб олиб, уйда ҳеч ким бўлмаган пайтда бор овоз билан ўқиб, роҳат қилардим”, деб ёзади. Адабиётга муҳаббати кейинчалик уни Чўлпон, Ҳамза, Усмон Носир, Элбек, Боту, Ғафур Ғулум, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Миртемир, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари йирик шоирлар ижодини чуқур ўрганиш ва тадқиқ этишга ундади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида адабиётшунос олимнинг илмий фаолияти юксак поғоналарга кўтарилди. У бу даврда XX аср ўзбек адабиётининг ҳали қўл урилмаган жиҳатларига эътибор қаратиб, салмоқли илмий-адабий тадқиқотлар яратишга эришди. “XX аср ўзбек адабиётининг тараққиёт тенденциялари ва миллий истиқлол мафкураси” мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Турли йилларда “Маърифат-парварлар жамияти”, “Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш” бўйича жамоатчилик комиссияси, “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси раёсатига раислик қилди, “Қатагон қурбонлари хотираси” музейини бошқарди.

Фидойи олимнинг қатагон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида олиб борган муҳим хизматларидан бири “Қатагон қурбон-



лари хотираси” давлат музейига асос солишдаги ҳиссасидир. У экспонатларни бойитиш, қатагон қурбонларининг ҳаёти ва фаолиятига оид манбаларни йиғишга самарали улуш қўшди.

Наим Каримов бадий таржима соҳасида ҳам баракали ижод қилиб, хусусан, арман шоирлари Шушаник Кургияннинг “Қандилларни ўчиринг”, Аветик Исаакяннинг “Хастаман, азизам”, беларус шоири Якуб Коласнинг “Талаш бобо”, тожик шоири Абдусалом Дехотийнинг “Ферузахон ухлайди” асарларини ўзбек тилига маҳорат билан ўтгирди.

Олимнинг йирик тадқиқотларидан бири – “XX аср адабиёти манзаралари” номли биринчи китобида жадид адабиётнинг етук вакиллари, қурбоннинг ҳаёти ва ижоди ҳақида батафсил илмий маълумотлар берилган. Олим мазкур китобга тартиб беришда умри давомида олиб борган изланишларидан келиб чиқиб, мавзунинг тадқиқотчиларга кам маълум бўлган жиҳатларини ёритишга, шу билан бирга, ҳар бир ёзувчининг ҳаёти ва ижодига назар ташлаш орқали XX

асрдек мураккаб давр манзарасининг энг муҳим сиёсий-ижтимоий, маданий ва маърифий лавҳаларини ёритиб беришга муваффақ бўлган.

Муаллиф тадқиқот жараёнида шоир-ёзувчиларнинг турк адабиёти намуналаридан таъсирланган жиҳатлари, адабий алоқалари ҳақида ҳам маълумот бериб ўтади. Хусусан, Фитрат ижодининг шаклланишида Туркия сафарининг таъсирини шундай ёзади: “1909 йилда Бухорода ташкил этилган “Тарбияи атфол” жамиятининг ёрдами билан бир неча бухоролик ёшлар билан бирга Туркияга бориб, Истанбулдаги дорулмуаллиминда ўқиди. Айрим маълумотларга қараганда, шу даврда ҳатто унинг ўзи ҳам Истанбулдаги ўқув юртлардан бирида дарс берган. Фитрат айни пайтда “Бухоро тамими (умумий) маориф жамияти”ни ташкил этиб, Туркияга ўқишга келган ватандошларининг шу жамият атрофида уюшиши ва таҳсил кўришига раҳбарлик қилди. Энг муҳими, сафар таассуротлари ва ёш усмонлилар ҳаракати таъсирида Фитрат дунёқарашда кескин ўзгариш юз берди”.

Академикнинг Ойбек ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий-адабий изланишлари ҳам диққатни тортади. Ойбек хасталик туфайли ётиб қолганда ҳам ижоддан тўхтамаганини, адиб учун истеъдод баробарида ирода ҳам нақадар зарур эканини ибрат маъносида таъкидлайди.

Ойбек сатрларида акс этган кучли изтироб ва қалб туғёнлари, келажакка бўлган умид ва ишонч олимга ҳам битмас-туганмас илҳом бағишлайди. “Илҳом чашмасининг ажиб мавжлари (Ойбек ижодхонасига бир назар)”, “Ойбек гулшанида қолган ғунчалар (Ойбекнинг тугалланмаган асарлари тўғрисида)”, “Ойбек (Машхур ўзбек адибининг ҳаёти ва ижодидан лавҳалар)”, “Ойбек ва Зарифа” сингари йирик тадқиқотлар шулар жумласидан.

Заҳматкаш олим Маҳмудхўжа Беҳбудий, Хислат, Мискин, Тавалло, Ҳожи Муин, Ғулум Зафарий, Абдулла Қодирий сингари ўзбек жадид адабиётининг даргалари ҳамда ўша даврлардаги адабий ҳаракатлар, уларнинг мақсад ва вазифалари ҳақида ҳам жиддий изланишлар олиб борди. Бу изланишлар унинг “Чўлпон”, “Мақсуд Шайхзода”, “Ҳамид Олимжон”, “Усмон Носир” сингари маърифий романларида ҳам акс этиб турибди.

Атоқли олим Озод Шарафиддиновнинг: “Ҳой, яхшилар, тевараكاتрофингизга қаранг – оддийлик қиёфасида юрган улуғларга бефарқ бўлманг! Уларнинг қўлини олиб, суҳбатидан баҳраманд бўлинг!” деган гаплари бор. Биз учун Наим Каримов шундай – оддий қиёфада юрган буюк инсон эди. Устозимизнинг ўз касбига мислсиз садоқати, фидойилиги ҳаммамиз, айниқса, ёшларимиз учун ўрнак бўлиши зарур.

Пошшажон КЕНЖАЕВА,
Тошкент давлат шарқшунослик университети профессори,
филология фанлари доктори

АБАДИЯТ ОРАЛАБ

“...КЎНГИЛ БОҒИМДА”

Муаллифи айтилмаса ҳам сатрлари аллақачон халқ мулқига айланган, яъниким, мангуликка муҳрланган шоирлар бор. “Алпомиш”ни ким ёзганини биламизми? “Қаттиқ ердан қаталаб чиққан бойчечак”ка ким муаллифлик ҳуқуқини даъво қилади?

Баъзан китобхонлик савияси паст деб гоҳ катталардан, гоҳ ёшлардан ёзғириб қоламиз. Лекин адабиётдан сўз очсангиз “билмайман” деб елка қисадиганлар ҳам “Водийларни яёв кезганда” деб бошласангиз, албатта, “Бир ажиб ҳис бор эди манда” дея давом эттириб кетади. Худди шу ҳол қуйидаги сатрларда ҳам тақрорланишига аминман:

Энг гуллаган ёшлик чоғимда,
Сен очилдин кўнғил боғимда...

Деразмнинг олдида бир туп
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...

Хаёлимда бўлдине уззу-кун,
Сени излаб қирғоққа бордим...

Энди, ҳолисанилпо айтганда, бир шоирдан башариятга ва абадиятга қолса, уч-тўртта шеър қолади. Шунанг кимга насиб қилади, кимга йўқ. Ҳамид Олимжон ана шундай бахтли ижодкорлардан.

“Шодлик ва бахт куйчиси” деб шарафланадиган шоирни мураккаб даврнинг пўртаналари беаёв исканжага олганини биламиз. Ёёте “Ҳатто қабр ёқасида ҳам умид яшайди”, деб ёзганди. Ҳамид Олимжон XX асрнинг 30-40-йилларида ўзбек шеъ-



риятида ана шу умид шамини тутган ижодкорлардан бўлди. У шахсий дардларини, ғам-аламларини элга дoston қилмади. Ўзи шундоқ ҳам кулранг ва қора рангларга бурканган ҳаётда эзилаётган халқи қалбига тоза нур таратди.

Чўлпон “Муҳит кучли экан, эгдим бўйнимни”, дея қоғоз қоралагани бор гап. Аммо ёлғизмиди у? Ойбек, Ғафур Ғулум, Миртемир, Мақсуд Шайхзо-

да... ҳам шу сафда эди. У пайтлар замон шундай эди.

Эрих Мария Ремаркнинг “Қайтиш” романида кичик эпизод бор: урушдан қайтган аскарларни фронтортида юрган ўсмирлар калака қилиб, уларга ҳужум қилади. Мустамлака даврида қалам тебратган шоир-ёзувчиларнинг ижодини, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигини бугундан, омон-омон замондан туриб тўғри баҳолай олялмизми? Уларга ижтимоий тармоқларда, ҳатто, асарларида очиқчасига тош отаётганларнинг маънавий ҳаққи борми бунга? Агар ўшаларнинг ўзи ўша даврда яшаганда қандай йўл тутарди?

Устозлар айтадикки, “Ижодкорга унинг ҳаёти ва фаолиятига қараб эмас, асл ижод маҳсулларига қараб баҳо бериш керак. Ижодкорнинг юраги, ҳақиқий қиёфаси ўша ерда очилади. Қолаверса, аслида нима бўлганини ҳеч ким билмайди. Қоғозларга келсан, уларни тўлдирганлар ҳам мустамлакачиларнинг ўзи эди”.

Шоир шеърларини синчиклаб қарасак, Ҳамид Олимжоннинг бахт ва шодлик куйчиси эканига ҳам ишонгинг келмайди. Деярли ҳар бир шеърида ички мунг, изтироб ётади. Бу худди юзи қулиб, кўзида ёш айланиб турган одам қиёфасини эсга солади:

Кўзи ёшлиқларнинг бордир йўлдоши...

Қанча тиришсам ҳам у беор
Еллар мени алдаб кетади.

На бўлғай бир нафас мен ҳам
яноғинг узра хол бўлсам...

Ҳамид Олимжон қиш фаслида туғилди. Шоирнинг умри мустамлака зулмати ва қаҳратонида ўтди. Лекин шоир буларни ижодига йўлатмади. Агар Ҳамид Олимжон ижоди суратга солинса, албатта, баҳор манзараси ҳосил бўларди. Кўк-ламнинг неъматларидан баҳра олиш баробарида унинг сели, тошқини, кўчкиси, гулдўрақларидан ҳам юз ўғирмаслик керак. Алишер Навоий лутф этгани каби: “Анингдек қиш ичра мунингдек баҳор”.

Ўттам ҲАМРААЛИ



“Дунёдаги энг узок йўл, бу қалбдан қалбгача бўлган масофадир.

Шамс ТАБРИЗИЙ

“



Бошланиши 1-саҳифада.

Маълумки, Кошғарий девонининг изоҳ ва тушунтириш матнлари араб тилида ёзилган. Уни туркий тилларга биринчи таржима қилган ўзбек олими Холид Саид Хўжаев эди. Афсуски, бу таржима нашр қилинмай қолиб кетган. Холид Саиднинг тақдири атоқли шоир Мақсуд Шайхзода тақдирига ўхшаш: Холид Саид Ўзбекистондан Озарбайжонга бориб яшаб, шу ерда ижод қилган эди. Таассуфки, Озарбайжон Фанлар академиясининг тилшунослик бўлимида меҳнат қилаётган маърифатпарвар олим 1937 йилда қатағонга учраб, қатл қилинган. Айтганча, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романини илк бор озар тилига ўғирган таржимон ҳам Холид Саид эди.

Девоннинг туркча таржималари орасида профессор Басим Аталай томонидан 1939–1941 йилларда тайёрланган нашр қандай муҳим ўрин турса, филология фанлари доктори Солихқори Муталлибовнинг ўзбек тилига қилган таржимаси биз учун шундай қадридлир. Ушбу таржима 1960–1963 йилларда “Фан” нашриётида чоп этилган. Қўлимиздаги китоб мана шу таржимага асосланган. Уни ЎзФА академиги Алибек Рустамов, филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев нашрга тайёрлаган. Таниқли олимлар Ҳамидулла Дабоев масъул, Бахтиёр Исабеков илмий муҳаррирлик қилган. Китоб аввалида ёзилишича, нашр турк, уйғур ва рус тилларидаги таржималар билан солиштирилган, изоҳлари тўлдирилган, таржимадаги айрим хатоликлар изоҳ қилинган, бошқа нашрлар билан қиёсланган.

Қуйида таҳлилга олинаётган мисоллар девоннинг фақат биринчи жилдига оид эканини айтиб ўтишим керак. Чунки ўзим ҳали шу жилдни ўқидим, айти пайтда иккинчи жилд мутлоаиси давом этмоқда. Айтиш жоизки, девонни ўқиш, сўнг уни ўқиш осон машғулот эмас, китобхондан жиддий кунт ва вақт талаб қилади.

ЭНГ АВВАЛО СЎЗ...

Девондаги ҳар бир сўз тирик, ҳар бирининг жони бор, уларни хис қилиш, ҳатто ушлаб кўриш мумкин.

Бу сўзлар кўхна давр одамларига ўхшайди, бирорта ортиқча “қилиғи”, жимжимаси йўқ – барчаси оддий, тўғри ва рост хабарни беради. Ҳар бир сўзнинг ўз тасвири, қиёфаси бор. Қадим қиёфадаги сўзни ўзининг аждоди бўлмиш бугунги сўз билан ёнма-ён қўйиб, уларни синчиклаб кузатсангиз, ибтидоий даврда ҳайвон терисини ёпинган ва бугунги кун урфи бўйича пўрим кийинган икки инсон тасвири кўз олдингизда намоён бўлади. Худди кийиниш маданияти тусланиб боргани сингари инсоннинг сўзлари ҳам ўзгариб боришини кўриш мумкин.

Масалан, девонда “қурун” сўзига “девор ва шиплардаги тутун ислари” деб изоҳ берилган. Вақт ўтиши билан охириги ҳарф ўзгарган, бу, албатта, биз ҳозир ишлатадиган “қурум” сўзидир. Айнан “қурум” сўзи эса бошқа бир ўринда келади, Кошғарий изоҳича, унинг маъносини “қоя”дир. Марказий Осиёдаги энг баланд тоғ тизмаларидан бири Қорақурум деб ном олгани эҳтимол шундандир. Тарихда Чингизхон империяси пойтахти бўлган Қорақурум шаҳри, фикримизча, бундан мустасно, у мўғулча “Хархорум”нинг туркий талаффузидир. Ҳа-я, девонда “қурум”га қўшимча изоҳ ҳам бор: “ийғилган кўп молга ҳам қурум дейилади”.

Қадимги “сучик” – “ҳар бир ширин нарса”. Бу, биздаги “чучук”дир. Худди шунингдек, “чазан” борабора “чаён”га, “қағун” – “қовун”, “қузғу” – “қудуқ”, “сағиз” – “сақич”, “қазғу” – “қайғу”, “қирағу” – “қиров”, “тумағу” – “тумов”, “тарғак” – “тароқ”, “тамғак” – “томоқ”, “увут” – “уят”, “сазрак” – “сийрак”, “қузурчук” – “қўғирчоқ”қа айланган.

Девонга кўра, “чатири” – бугунги “чодир”. У ҳозир фақат “ўргамчининг чотири” деган жумлада ўз аслига яқин қиёфани сақлаб қолган. Бугун бўғиз, ҳалқумни ҳеч ким девондаги каби “буғаз” демайди. Лекин бир ўринда бу сўз ҳам яшаб келмоқда: масалан, “Беринг бўғози” каби. Девонда “қуғуш” ва “қувуқ” сўзлари бор. “Қуғуш” – “сув йўли, тарнов” ҳамда “қувуқ” – “кавак”дир. Ўйлаб кўринг, ҳар икки сўз ҳам мазмунан, ҳам оҳанг жиҳатидан бугунги “қувур”га қариндош келмаяптими?

Бугун бир-биридан тез-тез “ўпкалайдиган” кишилар кўп. Агар қадим

аждодаларимиз бир-биридан “ўпкаласа”, бу “ўпкасига урди” деган аниқ зарбани ифодалаган, шу боис, улар бунгача бормаган, яъни “ўпка” эмас, “ўпкалаган”. Девонда “тағар” – “бўғдой ва бошқа нарсалар солинадиган қоп”дир, бугун бизда “тоғора” бор, лекин у қоп эмас, идишдир. “Оғ” сўзининг ҳам тарихи қизик. Девонда бу сўз “ақл ва зийраклик” деб изоҳланган. Бу – бизнинг “онг”имизга яқин-ку! “Шунинг учун ёши улуг ва ақлчиларга ога лақаби берилади”, дея қўшимча маълумот айтиди Кошғарий. “Ога” бугунги “ога”имизнинг чин оғаси эмасми? Бошқа бир ўринда: “ога сўзи аслида Зулқарнайн замонида Зулқарнайн билан туркларнинг битишувидан олдин уларнинг олдинги қўшинлари орасидаги тўқнашувда юзага келган”, деган таърифни ҳам назарда тутмоқ лозим.

Қизиқарли сўзлардан яна бири “тапуқ”дир. Изоҳда унга “тепиш, тепкилаш” деган маъно берилган. Кўриниб турибдики, бу сўзнинг ўзгаи – “тап”. Энди, айтингчи, бугун “тўп теп” деяр бўлсак, қадимги бир сўзни икки бора такрорлаган бўлмаймизми – “тўп” ҳам, “теп” ҳам “тап”га бориб туташмаяптими? Кейинроқ “тобиқ” деган сўз ҳам келади: “чавгон билан уриладиган копток, тўп” дейилган.

Китобда “чанка” сўзи “бир хил тузоқ” деб изоҳланган. Чанқовуз ҳам тузоққа ўхшаб кетгани учун шу номни олган бўлиши мумкин. “Чипқан” дегани, аслида – жилон жийда. “Чипқон яраси қизилликда жилон жийдага ўхшагани учун шундай аталган”, дейди Кошғарий. “Бир юртлик икки кишига йердаш дейилади. Биродар, яқинга қадаш дейилади; асли идиш маъносидagi “қа”дир. Унга “даш” қўшилгач, бир идиш керак. Девон саҳифаларида бу маъносини англатади”, дейилади девонда.

Қадим сўзлар ва уларнинг изоҳлари билан танишар экансиз, негадир, ўша кўхна қиёфадаги сўз кўзингизга иссиқроқ кўринади, чунки у бош Сўзга – ўзининг илк ва туб маъносига жуда-жуда яқиндир.

БУГУН ҲАМ ҚЎЛЛАСАК БЎЛАДИ

Айни пайтда Вазирлар Маҳкамасининг давлат тилини ривожлантириш департаменти чет тиллардан олинган бир қатор сўз ва атамаларни ўзбекчага ўғириб, расмий муомалага киритаётганини олқишлаш керак. Девон саҳифаларида бу масалада бизга ёрдами тегадиган, яъни бугун ҳам ярайдиган, нафақат яраш, ҳатто биз учун зарур бўлган сўзлар жуда кўп.

Мана, масалан, турли идораларда ишлайдиганлар, аксар раҳбар хузурига хат-хужжат олиб киради-

ган масъул шахслар фойдаланадиган, картон, чарм ва шу кабилардан ясалган қалин жилд ёки муқова бор, яна бир кенг оммалашган номи – “папка”. Кошғарий бобо – сарой иш юритиш тартибларини жуда яхши биладиган инсон, бу борада аниқ тавсия беради: “қусурга”, яъни ичига “қоғозлар солинадиган муқова”.

Биз кўпроқ араб ёки форсий тилларидан олиб ишлатадиган сўзларнинг асл туркийчаси девонда мавжуд. Қуйида бунга бир қатор мисоллар келтирамыз. Уй шифтини девон “тарус” деб тақдим қилади. “Сизиг” – “тишлар оралиги”, ҳозир бизда бунинг аниқ атамаси йўқ. “Бу сўзни сизигдан сизитма – бу сирни тишларинг орасидан чиқарма”, деб мисол келтирилади асарда. Холанинг ўғли кўп худудларимизда “бўла”, баъзи жойларда “жиян” дейилади. Аслида, “жиян” холанинг эмас, амманинг ўғли. Демак, девон тавсиясидан – “чиқан” атамасидан қўшимча фойдаланишимиз мумкин.

Айни пайтда, ўзбек тилининг фаол сўзлашув нутқида “конус” сўзига таржима йўқ. Девонда “конус шаклидаги нарса” “қирма” деб аталади. Яна бир ўринда ичимлик солинадиган, “конус шаклидаги таги тор, оғи кенг идиш, чоғир идиши” “сағир” дейилиши ҳам айтилади. “Сағир”нинг келиб чиқиши “солғир”дан бўлса, эҳтимол. Мана, ёмғирдан сўнг чиқади “камалак” учун ҳам соф туркий атама – “йел кокан”.

Девондан келиб чиққан ҳолда, хазина, турли моллар турадиган жойни – “таварлик”, гардишни – “чигри”, дастурхонни – “тавси”, дарвозани – “қапга”, пашшани – “қудғу” ёки “қумича”, қарзни – “баргу”, гувоҳни – “танук” ва гувоҳликни – “тануқлук”, сўз ва гапга сининим – “калачу”, юк ортиш ёки миниш мумкин бўлган улов, автомобилни – “кўлук”, эрталабки овқат, тамадди, нонушани – “тутғуч”, мажбурий иш, жаримани – “раббат” (*бундаги “раб” ўзаги рус тилидаги “кул, асир, банда” маъносидagi сўз билан алоқадор эмасмикин?*), дўст, ўртоқни – “сағдич”, аҳмоқ одамни “мундуз”, одамлар орасидаги ваъда, аҳдни – “бичғас”, бир ҳовлида турувчи қўшини – “қирдаш” (“кирувчи” маъносиди), ловияни – “бурчак”, ҳар доим ишлатадиган матоҳимиз бўлмиш дастурмолини – “сувлук”, чўнтакни – “қунчук”, ғовур-ғувурни – “қочрум” (“Бу – шаҳарнинг қишлоқ аҳлига ёқмайдиган жиҳати”, деган қўшимча изоҳ ҳам берилади девонда), туркча билмайдиган кишини – “сумлим”, жимжилоқ ёнидаги, биз одатда узук тақиладиган ёки номсиз атайдиган бармоқни – “жижамук” (Кошғарий ҳам “Буни кам одам билади”, деб эскартиб ўтади), булбунли – “сан-

дувач”, саъвани – “сундилач”, беданани – “будурсин”, бақлажонни – “бутуга”, гуручни – “тутурқан” деб ишлатишимиз мумкин.

Ўз навбатида, “утуг” (дазмол), “тавар” (жонли, жонсиз мол, товар), “парту” (яхтак, бир қаватли устки тўн, партук), “кэрпич” (ғишт, Алишер Навоий бобомизнинг “Лисон ут-тайр” асарида келган энг таъсирчан хикоя – Шайх Санъон қиссасида бунга зўр мисол бор: “Кирпичи дарду бало туфроғидин”), “ниждағ” (қайроқтош), “қафтан” (тўн, устки кийим) каби ўз сўзимиз бўлган ва қадимда тилимизда фаол ишлатилган атамаларни ҳам бегона қилмаслигимиз, мақсадга мувофиқдир.

ҲАР БИР СЎЗДА БИР ТАРИХ БОР

Ҳар бир сўз замирида ўша сўз соҳиби бўлган халқнинг тарихи, урф-одат ва анъаналари акс этиши ҳам ҳақиқат. Девонда бунга ҳам мисоллар талай. Масалан, асарда ёзилишича: “қирғиз, ябоқу, қипчоқ ва бошқалар бирор кишига қасам ичирганда ёки ундан бирор нарсага ваъда олганда, қилични унинг олдида кўндаланг қўйиб, “Бу кўк кирсув, қизил чиқсун”, дейдилар. Яъни, ваъда бузилса, бу кўк кирсин, қизил чиқсин, яъни қонга беланиб чиқсин. Бу, аҳд бузилса, темир сени ўлдирсин, ўч олсин, демакдир. Чунки улар темирни ҳурмат қиладилар”.

“Сигир” сўзи девонда икки маънода келади. Бири, сизу биз биладиган сигир. Иккинчи маъноси “шоҳларнинг бир қанча одамлар билан қиладиган ови”га боғлиқ. Анъанага кўра, “шоҳ бир қанча одамларни ўрмон ва даштлардан ўз томонига ов ҳайвонларини ҳайдаб келишга юборади. Улар ҳайвонларни тўплаб келгач, шоҳ қийинчиликсиз, бемаълал ов қилади”.

“Суфра”нинг асл маъноси мусофир учун қилинган таом бўлса ҳам, кейинчалик у таом ёзиладиган ҳаридан қилинган дастурхонга нисбатан қўлланган. Демак, мусофир одамга эътибор кўрсатиш, унинг олдида атай таом – суфра тайёрлаб чиқиш аввалдан туркий халқларда удум бўлган. Яна йўлга, сафарга отланган таниш ва яқинларга чиқариб бериладиган овқат ҳадяси ҳам бор, бу – “тузғу”дир. Ўша дамларда маълум сабаб билан ариқ қазишга, тўғон бўғишга чиқмаганлардан қишлоқ оқсоқоли махсус солиқ олгани, бу солиқ турининг номи “чатиба” бўлганини ҳам девондан билиб оламиз.

Қўпчиликка яхши маълум бўлган “тэгин” номи аслида қул демакдир. “Алп Эртўнганнинг болалари... оталарига ҳурмат юзасидан ўзларини камситиб, “қулингиз фалон қилди” деб, “қулингиз” ўрнида “тэгин” сў-

зини ишлатар эдилар. Сўнг бу сўз уларга от бўлиб қолди. Бошқа қўллардан ажратиш учун бу сўзнинг ёнига яна бир нарса қўшиб ишлатилади”, дейилади девонда. Албатта, отага ҳурмат азалдан қонимизда бўлган. “Тэгин – тегин сўзининг кўплиги, – дейди Кошғарий. – (Лекин) Бу шаклдаги кўплик қоидага хилофдир”.

Ўзоқ даврларда шошилинч хабарни бир манзилга етказиш учун қанчалик заҳмат чекилгани, энг муҳими, хабарни етказиш усуллари жорий этилганини ҳам девондаги биргина сўз бизга англатади: “чуфға – шошилинч чопарнинг йўлда оладиган оти, маълум манзилга етганда, уни қолдириб, бошқасини минади”. Инсоният қўлимиздаги оддий телефоннинг имкониятига етиб келгунига қадар қанча асрлару машаққатларни босиб ўтмаган дейсиз.

Китобда келтирилган яна бир сўз орқали илгари эркак кишилар ҳам орқа сочини ўстириб юганини тахмин қилиш мумкин. Эркакларнинг орқага осилтириб қўйган сочи “салунди” деб аталган. Бугун биз ишлатадиган, давлатимизнинг рамзларидан бўлган байроқ, турро сўзлари ҳам аввал жанглarda ишлатилган атамалардир. “Батрак – учига махсус ипаклик осилган ёғочки, аскарнинг жангда ўзини кўрсатгани белгиси” бўлса, “туғру – қилич, пичоқ, ханжар дасталарига тақиладиган попуқ”дир.

Халқимизда кўхна замонлардан буюн жамоатчилик руҳи устувор. Ҳозир ҳам кўплаб қишлоқларда аҳоли йиғилиб маслаҳатлашадиган жойлар бор, одатда кўринарли тепалик жойларда бўлгани учун бу жойлар “Маслаҳаттепа” деб аталади. Қадимда одамларнинг худди шундай йиғилиш жойи “тирнак” деб аталган.

Бугун човгон ўйинини эшитмаганлар ҳам, эшитган бўлса-да, қандай ўйналишини билмайдиганлар кўп. Эски замонларда бу ўйин кўп ўйналганидан “тасал” деган сўз хабар беради: “Тасал – човган ўйини майдонида чегарани белгилаб чизилган чизик. Бу талас сўзининг ағдарилгандир. Арабчада ўтлоқ маъносида дейилиши ҳам шундай-дир”. Машҳур адиб Чингиз Айтматов тугилган Қирғизистоннинг Талас водийси номи эсингизга тушдими?


Ҳозир бу одат борми-йўқми, билмайман, болалигимизда қўшниларникига янги келин келар бўлса, келин минган уловнинг олдида узун арқон тортиб чиқардик, номи “бақан тутуш” эди. Қачонки, келиннинг янгалири бизга ширинликми, сувлуқ – рўмолчами берса, бақанни йўлдан олардик. Девонга кўра, “бақан” – доира, ҳалқа экан. “Ердан қавлаб олинадиган металллардан ясалган

ЯНГИ НАШР

“БОБУРНОМА” ҚИРҒИЗ ТИЛИДА

2023 йили буюк шоир ва мутафаккир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигига бағишланган анжуманда ўзбек олимлари томонидан “Бобурнома” асарини қирғиз тилига таржима қилиш тақлифи билдирилди. Сўнгги йилларда “Бобурнома” қорақалпоқ, қозоқ ва итальян тилларига таржима қилингани ҳам менинг бу бебаҳо асарни қирғиззабон ўқувчиларга етказиш ниятимни мустаҳкамлади.

Шундан сўнг, ўтган икки йил давомида “Бобурнома”нинг Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзаев нашрга тайёрлаган (1960, 1989), Ваҳоб Раҳмонов ва Каромат Муллахўжаева ҳозирги ўзбек тилига таъдил қилган (2008, 2019) вариантларини чуқур ўрганиб,



қиёслаб таржима қилишга эришдим.

“Бобурнома” нафақат Ўзбекистон, айти пайтда, бутун Марказий Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон мамлакатлари

учун ғоят муҳим тарихий асардир. Унинг ўтган давр мобайнида форс, инглиз, француз, немис тилларига қайта-қайта, шунингдек, урду, турк, уйғур, япон, голланд, рус, араб, хитой, испан, озарбайжон тилларига таржима қилингани ҳам бу бетакрор адабий обиданинг жаҳоншумул шуҳратидан далолат.

Бобур Мирзонинг инсонпарварлик ғояларига йўғрилган самимий ва рост сатрлари қирғиз китобхонларига манзур бўлишига шубҳа йўқ. Ушбу таржима Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар илмий меросини қардош халқлар ўртасида янада кенг тарғиб-ташвиқ қилишга хизмат қилади, деган умиддаман.

Хосият БЕКМИРЗАЕВА,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори

ОЙДИНЛАР



Истеъдодли олим, иззатли адабиётшунос Иззат Султоннинг “Навоийнинг қалб дафтары” китоби ўз вақтида жуда катта изланишлар ва олимнинг тинимсиз машаққатли меҳнати эвазига майдонга келган. Асар бугунги кунда қайта нашр этилиб, ўқувчилар қўлига етиб борди. Китобда бир қатор ўзига хосликлар бор. Унда олим буюк шоир дилига котиблик қилади, Навоийни сўзлатади – ўзи хусусида шоирнинг ўзи сўзлайди. Китоб услубий жиҳатдан “буюк инсоннинг ўзи ҳақида айтган иқрономаси ва шаҳодатномаси” йўлида ёзилган.

Олим меъёрни сақлаган ҳолда, “ёзувчининг таржимаи холи – унинг асарларидир” деган тамойилга амал қилиб, Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ёритишда, аввало, шоир асарларидаги маълумотларга мурожаат қилади. Шунингдек, замондошлари ёзиб қолдирган илмий, адабий ва тарихий асарлардан жамланган биографик маълумотлар берилади. Китоб композицион жиҳатдан Алишер Навоийнинг “Чор девон”и структурасига таянади. Бунда саҳифалар инсон умрининг фасллари билан чегаралаб олинади.

Яқин тарихда Алишер Навоий хусусида бор ҳақиқатни айтиш учун изн берилмас, хусусан, Амир Темир ва Темирийлар даврида бадий адабиёт юксалганини очиқча таъкидлаш мумкин эмас эди. Олим бундай ўринларда ҳам бор масъулиятни Алишер Навоий зиммасига юклайди ва ора-орада “Навоий фикрича”, “Навоий тушунчасига”,

салтанат

халқага алтун бақан – олтин халқа дейилади”.

Жангда сафларни тузатувчи, дам олиш вақтида аскар тартиб-интизомини сақловчи бошлиқ – “чавуш”, душмanning олдинги айгоқчиларини кўлга олиш учун кечаси кезувчи айгоқчи – “тутғақ”, амирларнинг мол боқадиган кўкатзор майдони, кўршалган ҳар бир нарсасга ҳам – “қориг”, эшикларни айланиб юрувчи гадоӣ – “қарачи” дейилган. “Чалма” сўзи бугун ҳам бизга бегона эмас (*ҳатто унинг архаик сўзга айланиб кетмагани ачинарли*), девонга кўра ҳам, бугун ҳам бу сўзнинг маъноси “қўй, туя ва бошқа моллар қийдан кесиб олиб, қишда ёқиш учун қуритиладиган тезак”дир.

Онамнинг ўзи туғилган қишлоққа борар бўлса, “тўркунимга бориб келай”, деган гапи бор. Мен буни вояга етгунча даврда яшаган “тўрт кунлик юрт” маъносида тушунардим. Девонда бу сўз “туркун” деб берилган ва “қавм, қабилла йиғини жойи, ота-онанинг уйи” деган изоҳ ҳам келтирилган экан. Яна мисол ҳам айтилибдики: “Қиз туркуна келди – қиз отасининг уйига келди”.

Аждодларимиз овдами, жангдами, албатта, сопқондан унумли фойдаланган. Ана энди, сопқонга солиб отиш учун “лойдан гўлак қилиниб қурилган, хўл ҳолида ҳам отиш мумкин бўлган, ёнғоқдан қичик юмалоқ кесак” – “кувлук”дир. Ичига узум ёки майиз солиб тайёрланадиган сутли овқатни биласизми? Ўтмишда бундай таом бўлган ва у “булдун” аталган. Яна, “зонтик” ҳам бизга бегона бўлмаган, бобо-момоларимизнинг ҳам ёлғирдан тўсадиган, кигиз (девонда “кизиз”)дан тайёрланган ёпинчиклари бўлган, у “кадук” дейилган. Асарда Барсағон шаҳри халқи “бўғдой” сўзини “бўғдой” тарзида талаффуз қилишлари, бировнинг у шаҳар халқи эканини шу сўз билан синаб билиш одатлари баён этилган.

ЎЛМАС МАҚОЛЛАР – БОҚҲЙ ҲИҚМАТЛАР

Асли, сўзлар изоҳига мўлжалланган девонда кўҳна мақол ва шеърлардан намуналар келтирилгани китобнинг қадрини бениҳоя оширади. Бу мақол ва шеърларда ўша давр нафаси уфуриб туради. “Мақолда шундай келган”, дейди Кошғарий бобо. Мана бу мақолларга эътибор беринг-а, қандай боқий ҳикматлар жо бўлган уларда!

“Сўзнинг қисқаси узундиган яхшироқ”, “Қадам изи биров юрганини билдирадими”, “Тулқи ўз уясига қараб ирилласа, қўтир бўлади”, “Оғиз еса, кўз уялар”, “Ҳўқизнинг оёғи бўлгунча, бузоқнинг боши бўлган яхшироқ”, “Тиришқоқнинг лаби ёғлиқ”, “Идиш оғзи кичик бўлса ҳам тикини

катта”, “Тоғ арқон билан эгилмайди, денгиз қайиқ билан бекилмайди”, “Сув ичирмасга сут бер”, “Қишнинг зиёфати оловдир”, “Тошни чайнашга қодир бўлмаган киши уни ўпиши керак”, “Иштони бутун қандай хоҳласа, шундай ўтиради”, “Кулни пуфлагунча, чўғни пуфлаган яхши”, “Балиқ сувда, кўзи ташқарида”, “Хитой ҳоқонининг ипак газмоли кўп, лекин ўлчамай кесилмайди”, “Қирғовул овига чиқсанг, уйдаги товукни унутма”, “Халқда фитна кўпайса, ақл озаяди ва тўғри йўлни тополмай қолади”, “Ширин сўз билан одам шоҳлар қосасидан сув ичади”.

Бу мақоллар – бугунги тилга эврилганлари. Энди, бугунги тилимизга яқин бўлган мақолларни девон тилида қўиб, сўзнинг мазасини ҳис қилиб кўринг: “Таз кэлми буркчиға” (Калнинг борар жойи дўппифуруш дўқонидир), “Эрмағуға эшик арт болур” (Ялқовга эшик остонаси ҳам доводнек кўринади), “От теса агиз куймас” (Ўт деган билан оғиз куймас), “Авчи нэча ал (ҳийла, фириб, алдамoқ) билса, азиг анча йол билир” (Овчи қанча ов ҳийлаларини билса, айиқ ҳам шунча қочиш йўлларини билади)... “Сарт азиги ариғ болса йолда йер” мақолига эътибор қилайлик. Яъни, савдогарнинг оши ҳалол бўлса, кўчада ёйди. “Сарт” сўзи ҳақида баҳслар ҳам, миллатга боғланган ҳолатлар ҳам кўп, девонга кўра, у “савдогар”дир.

Мақолларнинг мағзини қақшида давом этамиз: “Улуқ йағири оғулқа қалир” (От курагидаги яғир болаларига мерос бўлиб қолади. Улуқ – отнинг орқаси), “Ай толун болса, элгинг имламас” (Ой тўлин бўлса, қўл билан кўрсатилмайди, чунки у ҳар кимга аниқ кўринади), “Эмгак экинда қалмас” (Меҳнат бўш кетмайди), “Қўл – йағи, ит – бўри” (Қўл – душман, фурсат топса, қочиш пайида бўлади, ит ҳам хонадон учун бўридир), “Қирқ йилқа тэгин бай чигай тузланур” (Қирқ йилгача бой билан камбағал тенглашади), “Эрдам баши тил” (Адабнинг боши тилдир. Ҳа, ҳамма замонда шундай!), “Қара бўлпти йэл ачар, урунч била эл ачар” (Қора булутни шамол очади, ҳўкумат эшигини пора очади. Афсуски, бу ҳикмат ҳам ҳамма замонларга хосдир).

Навбатдаги мақоллар: “Бар – бақир, йoқ – алтун” (Бор нарса – мис, йўқ – олтин (қадри), “Қонақ баши сазраки йиғ” (Тариқ бошогининг сийрағи яхши. Чунки дони кам бўлса, дон тўла ва йирик бўлади. “Қонақ” – “тариқ”), “Неча йимик бичак эрса оз сабин йанумас” (Пичоқ қанча ўткир бўлса ҳам, уз сопини йўнмайди, кесмайди), “Алп чарикда, билга тирикда” (Ботир жангда, доно мажлисда синалади), “От тутунсиз болмас, йигит йазуқсиз болмас”

(Ўт тутунсиз бўлмас, йигит гуноҳсиз бўлмас), “Сабанда сандириш болса, ортуғунда ирташ болмас” (Ер ҳайдаш вақтида пухталиқ бўлса, хирмонда англашилмовчилик бўлмайди), “Қадаш тэмиш қоймадук, қазин тэмиш қоймиш” (Қариндошларга оға-ини келди, дейилса, унга эътибор берилмади, қайин она (ота) келди, дейилган эди, дарров унга қаради. “Қазин” – қайин маъносида), “Катан корди кэрағу йузти” (Меҳнатни кўриб, чодирини орқалади. “Катан” – меҳнат, қийинчилик), “Хан иши болса, қатун иши қалир” (Ҳоқоннинг иши бўлса, хотин иши қолдирилар. “Қатун” – Алп Эртўнга қизларидан тарқаганларнинг номи, мақоми), “Қарға қарисин ким билир, киши аласин ким тапар” (Қарғанинг қарисини ким билади, кишининг оласини ким топади), “Қут балгуси билиг” (Бахт белгиси илм ва ақлдир), “Тилин тэргуга тэғир” (Ширин, ёқимли сўз билан киши дастурхонга етишади. “Тэргу” – дастурхон).

Ёшлигидан таниш бўлган йигит мартаба топиб кўтарилса ҳам, ёшлигида кўриб юрган уруғ-аймоқлари орасида кичик кўринишига ишлатиладиган зўр мақол бор: “Эвдаги бузағу окуз болмас” (Уйда ўсган бузоқ ҳеч вақт ҳўқиз бўлмайди). Йўл бошловчилар ҳақида икки мақол: “Қалин қулан чифғасиз болмас” (Моллар подаси йўлбошчисиз бўлмас. “Чуғға” – йўл бошловчи, раҳбар) ва яна бир вариант: “Қалин қаз қулавузсиз болмас” (Ғоз тўдалари йўлбошчисиз бўлмас. “Қулабуз” – йўлбошчи). Кейинги мақоллар: “Йер басруқи тағ, бузун басруқи бэғ” (Ер суянчиғи – тоғ, эл суянчиғи – бек), “Ат тағузлуги ай болмас” (Отнинг пешонасидаги оқлиги ойнинг ўрнини босмайди), “Сундилач иши эрмас ортуғун тэпмак” (Хирмон янчимоқ саъваннинг иши эмас), “Булдачи бузағу окуз ара балгулук” (Ҳўқиз бўлади деб гумон қилинган бузоқ ҳўқизлар орасида ёшлигидан маълум бўлади).

Фақат айримлари ҳозир ҳам қўлланадиган, аксарияти ўтмиш қатларига қолиб кетаётган қандай ажойиб мақоллар булар!

“ШЕЪРДА ШУНДАЙ КЕЛГАН”

Кошғарий ҳазратлари бирор сўзга шеърий мисол келтирар экан, шундай эскарта беради. Туркий халқларнинг энг кўҳна адабиётидан бизга намуналар етказгани учун ҳам муаллифдан яна бир бор миннатдор бўлишимиз керак.

Китобда берилган шеърларнинг барчаси миллий адабиётимизнинг ота йўли – бармоқ вазида битилган. Жумлалар бир қарашда содда, аммо чуқурроқ разм солсангиз, ҳар бирининг замирида катта мазмун

муҳассам эканини англаб етасиз. Мана бу сатрларга эътибор беринг:

*Барди эран қонук қоруб кутқа сақар,
Қалди йавуз уйук қоруб эвни йиқар.*

Яъни, “меҳмонни давлат ва борака санайдиганлар ўлиб кетди, саҳроларда кўринган қораларни ва манзилларни белгилаш учун қўйилган тошларни кўриб, одам деб ўйлаб, у келиб қўниб қолмасин, деб чодирини бузувчиларгина қолди”. Қаранг, меҳмондўстлик азал-азалдан туркий халқларимизнинг қонида бўлган-да. Бу хислатини йўқотганлар ўша вақтларда ҳам қаттиқ маломатга қолган.

Энди мана бу ҳикматли сўзларни қаранг:

*Атса ажун оғраб оқ,
Тағлар баши кэртилур.*

Яъни, “агар замон ўқ отса, тоғ бошлари ҳам кертилиб кетади”.

Шеърларнинг яна бир алоҳида аҳамиятли жиҳати – уларда қўлланган қофияларнинг ниҳоятда тўқлигидир. Мана, масалан:

*Томлиғ қалиб қапсади,
Қўтлуг йадиғ тапсади,
Қарлаб ажун йапсади,
Эт йин ушуб армшур.*

“Совуқ келиб қолади. Қўтлуг ёзни ҳайдади. Қор дунёни қоплаб олди. Кишининг бадани увушиб қалтирайди”.

Аксарияти “а-а-а-б” тарзида, фақат айрим ҳоллардагина “а-б-а-б” шаклида келадиган ҳар бир шеър қофиялари эътиборни тортмай қолмайди.

ҚАДИМГИ ИСМЛАР

Девоннинг биринчи жилдида эркаклар оти сифатида Булуҷ, Қулуч, Қиличхон, Тутук, Қумук, Қабан, Қотан, Бақлан, Чўғлан, Бударач, Қатмиш, Қўтлуг, Бадруқ, Булғак, Қулбақ, Тутуш, Утар, Тоқиш, Тэкиш, Қалалдуруқ сингари исмлар келтирилади. Аксарияти “эрлар исми” деган изоҳ билан чекланган. Баъзи сўзлар билан боғлиқ тарзда келган исмларда уларнинг маъноси айтиб ўтилади. Масалан: “Сағун – қарлук катталарининг лақаби. Турк табиларида ата сағун дейилади”; “Бўғра – эркак туя. Бўғраҳон исми ҳам шундан олингандир”; “Чағри – лочин. Чағрибек дейилган одам исми ҳам шундан”; “Қавшут – эл ва юрт тинчлиги учун икки шoҳ орасидаги келишув, келишими. Одамларга Қавшут деб исм қўйишда ҳам шу маъно бор”, “Бактур – эркаклар исми. Асли, у Багтур – доим ўрнингда тур, кўп яша демакдир”; “Тоғрил – йиртқиш қушлардан бири. Бу мингта ғозни ўлдириб, биттасинигина ейди. Бу сўз эркаклар исми ўрнида ҳам қўлланади” ва ҳоказо. Биринчи жиллда эҳтимол ягона келтирилган аёллар исми Қумушдир, у қумуш сўзининг изоҳида келган. Яна бир



ўринда “мерос”, “эсдалик” маъноларидаги Хумару сўз эркак ва аёллар исми сифатида ҳам ишлатилиши баён этилади.

БИЗГА ҚАДРДОН НОМЛАР

Девон нафақат тил тарихидан сузлайди, айни пайтда ўша давр жуғрофияси ҳақида тасаввур уйғотувчи нодир маълумотларни ҳам тақдим этади. Бугунги кунда биз учун қадрдон бўлган жойлар таърифи акс этган саҳифалар ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайди, албатта. Масалан, “Тошкент Мовароуннахрнинг энг қадимий шаҳарларидан биридир”, дея хабар беради Кошғарий. Бугунги пойтахтимиз ўша даврларда ҳам қадимий деб эътироф этилган экан.

Юртимиз гавҳари – Фарғона ҳақидаги таърифи ҳаяжонсиз ўқиб бўлмайди: “Фарғона мевага бой, тоғлари кўп ўлқади. Унинг чўзиқ тоғларида олма, узум, pista, бодом ва бошқа мевалар, турли хил хушбўй ўсимлиқлар, гуллар, райҳонлар кўпдир. Хушхаво, сермеваликда тенги йўқдир. У жуда кенг, серқишлоқдир. Бундай серқишлоқ ўлка Мовароуннахрда йўқдир. Одам кўплигидан, экин ва чорваннинг мўлллигидан қишлоқлар кенгайиб, қатталашиб кетгандир. Қишлоқларга бориш учун бир қўниб бориш шартдир. У ерда етишган олимлар кўпдир. Сўнги вақтларда Дамашқда туриб қолган зўр олим, дондгор устод Ҳожиб бинни Молик бинни Эркин фарғоналик олимларнинг биридир (Муъжаму-л-булдон. 6-жилд. Б.364)”. Афсуски, Кошғарий эътироф этаётган фарғоналик олим Ҳожиб бинни Молик бинни Эркинни – мана шундай “зўр олим, дондгор устод”ни бугун билмаймиз, балки кам одам билар, қайдам?

Албатта, қадим тарихимиздан сўйловчи бу нодир асарни Самарқанд таърифисиз тасаввур этиб бўлмайди. Девон иловасида шундай дейилади: “Самарқанд шаҳри энг эски ва энг обод шаҳар сифатида жуда машҳурдир. У энг қадимги араб манбаларида, форс тарихларида кенг изоҳлаб берилган. Батлимус ва бошқа жуғрофия олимлари бу шаҳарнинг жуғрофий мавқеини

ва унинг хушхаволиги, кўркам манзараларга бойлиги, сермевалик хусусиятларини мукаммал изоҳлаган эдилар”. Маҳмуд Кошғарий маълумотига кўра, “Самарқанд энг эски шаҳардир. VII асрлардаёқ бу шаҳарда халқ гавжум эди. Ҳар хил касб аҳллари бор эди. X асрларда суғдоқлар Баласоғунга шу ердан кўчиб бордилар. Унинг асл номи Самизканд – Катта шаҳар демакдир”. Маҳмуд Кошғарийнинг алоҳида уқтиришича, “бу шаҳарнинг туркий халқлар томонидан бино қилинганига, бу ҳақдаги бошқа хил қарашлар хато эканига шу номнинг ўзи далилдир”.

“Канд – ўғузлар ва улар билан кўн турувчилар тилида қишлоқ. Қўнчилик турклар наздида шаҳардир. Шунинг учун Фарғонани Ўзканд – “Ўз шаҳримиз” дейдилар. Самарқандни қатталиги учун Самизканд – “семиз шаҳар” дейдилар. Буни форслар Самарқанд тарзида қўллайдилар”, дея эслатади буюк Кошғарий.

“ЎҒИЛ, МЕНДАН ЎГИТ ОЛ, ФАЗИЛАТ ТИЛА”

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луготит турк” асари “замоннинг энг соғлари касал ва энг бурролари соқов бўлган” ҳар вақтда, жумладан, бугунги глобал замонда ҳам барчамиз учун жуда долзарбдир. Айниқса, ҳозир Яратган ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик “куёшини турклар буржига қўтарган” бир вақтда, туркий халқлар ўзининг қадим илдиларини эслаб, Кошғарий таъбирича, қадашлик алоқаларини тобора мустаҳкамлаб борар экан, бу бебаҳо асарга ҳамиша юксак эҳтиёж сезамиз. Бир вақтлар Кошғарий: “От туркнинг қанотидир”, деб ёзган бўлса, бугун туркийларнинг қаноти – сўздир.

Шу боис, Кошғарий бобо ҳар қачонки: “Ўғил, мenden ўғит ол, фазилат тила”, дея чорлар экан, тезда “фалак кутб юлдузи атрофида айланиш қоидаси қаби” бу табарруқ китобни кўлга олиб ўқиш ва ўқиш – “ҳар бир ақлли кишига лойиқ ва муносибдир”.

Икром ИСКАНДАР

САБОФИ

“Алишер Навоийнинг тарихий назари... фалон воқелика тушди” қаби таъбирларни қўллайди.

Масалан, имкон топиб, Хожа Абдуқодир билан Амир Темур ўртасидаги ибратли бир хадисани келтиради: “Хожанинг қамолотидин бири Қуръон ҳифзи ва қироат илми эрди, филҳол байиқ ун бирла Қуръон ўқимoқ бунёд қилдиким, ул ҳазратнинг (Амир Темурнинг) ғазабни лутфга мубаддал бўлиб, фазл ва қамол аҳли сори” қараб, “Қаландар кўрққанидан мусхаф (Қуръон)га чанг солди”, мазмунли мисррани ўқийди. Сўнгра шоирга юксак эҳтиром кўрсатади. Бундай мисолларни давр тарзиси, китоб таъби ва табиати кўтарганча, жуда эҳтиёт бўлиб ёзади олим.

Бир дунё маълумотлар, жумладан, рамзий маънодаги “Қақнус ва қақнусбача” – устоз-шоғирдлар, шоирнинг “Черик чекмай Хитодин то Хуросон”ни олгани, шундай шон-шўхрати сарҳадлари, ўнлаб туркигўйлар аҳволлари, шоирнинг неча ёшида “шеърнинг паришон савдосига гирифтoр бўлгани” ва “наъзининг пароканда восвосига машғул” бўлгани қайта эсга олинади китобда.

Бир саҳифада Алишер Навоийнинг арузни сазаворлик Дарвеш Мансурдан ўргангани айтилади. Шоир йигитлик чоғида “шеърда сеҳрсоз ва назмда фусунпардоз шуаронинг ширин ашъори ва рангин абётидин эллик мингдан ортуқ ёд тутубмен”, деган эътирофи қувваи ҳофизасининг чўнглигиндан дарак беради. Айни чоқда, у зотга замондош соҳиби девон шоир Хилолийнинг ўттиз-қирқ минг байт ёд билганидан ҳайратга тушамиз.

Албатта, бу тарихий далил шоирлик йўлига кирган

бугунги ижодкорлар, айниқса, ёшлар учун нақадар ибратга лойиқ экани хаёлга келади.

Ҳазрат Алишер Навоий ўз даҳроси, иқтидори, Худо берган таланти кўламини ўзи жуда теран англаган, яхши билган, бадийи тафаккурининг қамровини сезиб турган. Акс ҳолда, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”ни ёзиш учун ўттиз йил сарф қилди”, деган сўзларига муносабат билдириб, “Хамса” учун менга ўттиз ой кифоя”, деган гапини айтмаган бўларди. Яна бир маснавийсида: “Ўтуз йилки они Низомий демиш, Қошимда эрур икки-уч йил иш”, деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, 1482–1485 йиллар орасида шoҳ асар – “Хамса” ёзилди.

Навоийнинг ижод олами билан бирга, ижтимоий фаолияти, қурдирган иншоотлари, уларнинг сон-санoғи, молдунёсининг миқдори Иззат Султон назаридан четда қолмайди: “Унинг вақфининг миқдори беш юз тумандан ортар эди” (1970 йилларда бу миқдор 5 миллион рубл бўлган экан). Мирзо Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асаридан далил: “Алишернинг бир кунлик даромади (ҳосили амлоки) ўн саккиз минг шоҳруҳий диноер эди ва у бу даромаднинг ҳаммасини хайрли ишларга сарф этар эди”.

Иззат Султон жуда кўп тарихий далилларга, шоирнинг ўз икромларига, ижод психологиясига, муҳим назарий қарашларга, ҳатто айрим бахсли масалаларга ҳам эътибор қаратади. Ўрни келганда, шoҳ ва шоир Ҳусайн Бойқаронинг кўчор, ҳўроз уриштиришлари, қаптарбозлиқларию ичкиликка берилишларигача эслаб ўтади. Халқ орасида юрган ривоятларни мавзу доирасига сингдиради.

Бир ўринда Навоийнинг топқирлиги, донолигини шундай баён этади:

“Чорвадор Навоий бозорга мол олиб киради ва бозорда молларини насияга сотмоқчи эканини эълон қилади”. Харидорларнинг: “Пулени қачон тўлаймиз?” деган саволига: “Қарзингизни подшоҳ Хусайн Бойқаро ўлган куни тўлайсизлар”, дейди. Бу гапни шотирлар подшоҳга етказишади.

Навоийни зудлик билан подшоҳ ҳузурига олиб келади-лар. Савол берилади: “Нега бу гапни айтгансиз?” Навоий жавоб беради: “Подшоҳи! Мендан насияга мол олган ҳар бир киши энди ҳар куни беш маҳал намози чоғида: “Эй Худо, подшоҳ Хусайн Бойқарони ўлдирма, мен қарзимни тўламай”, деб дуо қилади. Зеро, шундай дуолар ижобат топиб, Худо сизнинг умрингизга умр қўйса. Молимни насияга сотишдан ниятмин шу”. Подшоҳ қаҳр минбаридан ерга тушиб, мулоимм тортади – Навоийнинг лутфидан мамнун бўлади.

Китобни ўқиш давомида бир фикр хаёлга келди. Агар отахон адабиётшунос бу асарини бугунги маънавий муҳит об-ҳавосидан эмин-эркин нафас олиб ёзганида, Алишер Навоий “қалб дафтар”нинг диний-эътиқодий саҳифаларини ҳам, сирли-илоҳий нуқталарини ҳам кенгроқ ва чуқурроқ очиб берган бўлар эди. Эҳтимол, янги даврда олим: “Ўзларининг дунёвий мазмуни билан Навоийнинг ғазаллари диний эътиқодларга зид бўлган фикр ва туйғуларнинг адабиётда чуқур ўрин олишига хизмат этадилар” (186-бет) қаби гапларни асло ёзмаган бўлар эди. Бундай фикрлар тарихий шарт-шароит ва тарихийлик тамойилининг ўзига хос мезонлари билан изоҳланади, албатта.

Иззат Султон оқил ва донишманд олим эди. Унинг мазкур асари яшаётган ва яшайдиган, бугунгача ўқилган ва келажақда ҳам ўқиладиган китоблар сирасига кирди.

Илдизи: 1995 йили 7 июнда номзодлик диссертациямни ҳимоя қилганимда, Иззат Султон Кенгаш раиси эди. Ҳимоя кўнигидамдек ўтди. Раис Вадуд Маҳмуднинг



танқидчилик фаолияти хусусида яхши, илиқ гаплар айтди. Расмий ҳужжатларни ҳозирладим. Домланинг имзоси зарур эди. Бир жойга мажлисга кетган экан. Ислаб бордим. Ҳали йиғилиш бошланмаган, аммо домла Президумда мажлис аҳлига юзланиб ўтирган экан. Улкан залнинг бир четидаги бўш ўриндиққа бориб жўллашдим. Олдига боришга тортиндим. Кутиб ўтиравердим. Мажлис бошланди. Ундаги гаплар мен учун унча қизиқ эмас, имзо эса муҳим. Орадан бир соатлар ўтиб, танаффус бўлди. Домлани холи топиб, ёнига бориб салом бердим, кейин ҳужжатларга ишора қилдим. Имзо кўя туриб, Иззат Султон менинг аллақачон келиб, анча кутиб қолганимни назарда тутиб: “Бундай маҳалда дадилроқ бўлмоқ керак. Вақтни қадрлаш лозим”, деб насиҳат қилди. Бу инсон жуда зукко ва сезгир эди. Иззат Султон домладан шунда журъат сабоғини олгандим. Буни имзоталаб ёшларга нисбатан ҳали-ҳануз қўллайман.

Баҳодир КАРИМОВ,
филология фанлари доктори,
профессор



ҚУЁШ САНДОНИ

Бошланиши 1-саҳифада.

— Домла, Сиз раҳбарлик қилаётган муассаса ҳақида гап кетганда кўз олдимизда улкан ишюот — Катта Қуёш Сандони гавдаланади. Ушбу объект буғунги кунда маҳаллий ва хорижий сайёҳларнинг ҳайрат ва ҳавасига сабаб бўлмоқда. Бироқ унинг вазифаси фақат илмий туризми ривожлантириш эмас, албатта. Сандоннинг илмий ишлаб чиқаришдаги аҳамияти буғун қай даражада?

— Умуман олганда, институтимиз бошқа институтлар ва илмий даргоҳлардан фарқ қилади, ноёблиги бор. Биз тадқиқотларимизни асосан қуёш нурланиши асосида олиб борамиз. Сиз айтган қуёш сандони дунёда иккита — Франция ва Ўзбекистонда мавжуд. Шарқий Пиренейда жойлашгани 1970 йилда очилган бўлса, Паркент туманидаги иншоот 1981-1986 йилларда қурилиб, 1987 йилдан фаолиятини бошлаган. Институтимиз эса 1993 йилда мугассамланган қуёш нурларининг моддалар билан таъсириланганини ўрганиш ва маҳаллий хомашё асосида ташқи муҳит таъсирилари шароитида қўллашга мўлжалланган янги авлод материалларини ишлаб чиқишни таъдиллаштириш мақсадида ташкил этилган.

Институтда ноёб илмий объект — иссиқлик қуввати 1 MW бўлган Катта Қуёш Сандони (КҚС) мавжуд. КҚС мураккаб оптик-механик ва автоматик бошқарув тизимига эга комплекс бўлиб, гелиостатлар майдони ва параболоидли концентратордан иборат. Сандон орқали қуёш нурлари бир нуктага жамланиб, юқори ҳарорат — 3000 даража иссиқлик ҳосил қилинади. Табиий газ ёнганда — 1600-1700, водород ёнганда 2800 даража иссиқлик беради. Маълумки, табиий газ манбалари чекланган. Водород — экологик тоза ёнғилги. Бироқ водородни бошқа моддадан ажратиш олиш учун 2000 даража ҳарорат керак. Бу — бир бирлик водород олиш учун уч-тўрт бирлик энергия сарфлаш керак дегани. Таннархи жуда юқори. Мана шу масалани қуёш энергияси орқали ҳал қилмоқчимиз. Масалан, сувда икки атом водородники, битта атом кислородники. Лекин бир-биридан ажратиш жуда қийин. Биз қуёш нуридан фойдаланиб, суви парчалаш технологиясини ишлаб чиқяпмиз. Бунинг учун махсус реактор яратилган.

“Ўзи сув глобал муаммога айланиб бораётган бўлса, яна нега суви парчаламоқчисизлар”, деган эътирозлар бўлиши мумкин. Қизиғи шундаки, олинган водородни қайтадан кислородга қўшас, ҳам катта энергия, ҳам сув ҳосил бўлади. Яъни, сув охирида яна табиатга қайтарилади. Олинган водородни сақлаш, ташвиш ва фойдаланиш бўйича муваффақиятли тадқиқотлар давом этмоқда. Келажақда водороддан нафақат ишлаб чиқариш, балки кундалик ҳаётимизда ҳам фойдаланишимиз мумкин бўлади. Бунинг учун уни парчалашнинг энг арзон йўли — кичик қуёш сандонлари лойиҳаси устида ишляпмиз.

— Узр, домла, шу ўринда “Водород технологияларини олиш ва сақлаш борасида материалшуносликнинг ўрни қаяерда?” деган савол пайдо бўлади.

— Ҳа, балли, ўринли савол. Гап шундаки, қуёш сандонлари ҳам абадий эмас. Уларнинг ҳам ўз муддати бор. Ҳозир электролизер деган технология бор. У суви парчалайди, фақат сув ишқорли бўлади. Табиийки, жараёнда ишлатиладиган оддий темир коррозияга учрайди, чиришни бошлайди. Яна электродлар масаласи бор, уларни ясашда платина ёки олтиндан фойдаланилади. Жуда қimmat. Мана, нега водород ўта қimmat ҳисобланади.

Олдимизга қўйилган вазифалардан бири — ўша материалнинг таннархини туширишдан иборат, токи иқтисодий самара берсин, ишласин. Дунёда “MXenes” деб аталадиган бирикма пайдо бўлди. У чиримайди, иссиқлик ва инфрақизил нурларни ўтказмайди. Мана шу бирикмани ўрганиш ва ўзимизда тайёрлаш бўйича хитойлик ҳамкорларимиз билан ишляпмиз. Бу ҳам ўта қimmat материал. Чунки “Макс фаза” деб аталадиган хомашёни ишлаб чиқариш учун 1700 даража ҳарорат керак. Бизнинг қўлимизда эса 2000-2500 даражали ҳарорат турибди. Ҳозир Хитой билан биргаликда бирин-



чи материални олдик. Синов ишлари давом этмоқда. Биз тажриба орқали юқори технологик материал яратишимиз мумкинлигини кўрсатдик. Агар шу материални ишлаб чиқаришни йўлга қўйсақ, ҳам водород олиш технологияси арзонга тушади, ҳам жаҳон бозорига қimmatли товар экспорт қиламиз.

— Шу кунларда Тошкент шаҳрининг экологик вазиятини яхшилаш бўйича Махсус комиссия иш олиб бормоқда. Бу борада Президент фармони имзоланди. Олим сифатида мавжуд хавфни бартараф этиш ва келгусида тақдорланмаслиги учун нималар қилиш керак, деб ҳисоблайсиз?

— Ҳар бир соҳа бўйича ўз мутахассиси гапиргани маъқул. Лекин бу борада ўз йўналишимиз бўйича айрим ишларни айтиб ўтмоқчиман. Қўллаб манбалардан хабар келаяптики, ҳаво ифлосланишининг асосий сабабларидан бири — иссиқхоналар. Кўмир ёки резина маҳсулотлари, пластиклар ёқиши ҳисобига ҳаво заҳарлана бошлади. Бир томондан, буни тўхтатиш керак. Бошқа томондан, ҳамма иссиқхоналарни ёпиб қўядиган бўлсак, эртага нархнаво ошиб кетади. Унда нима қиламиз?

Шундан келиб чиққан ҳолда, охириги беш йилдан бери биз дала синовларини ўтказяпмиз. Мақсадга мувофиқ махсус нанозарралар ишлаб чиқилди. Бу нанозарралар иссиқхона плёнкасига қўшилганда, содда қилиб айтганда, қуёшдан келаётган нурларни ажратиб ўтказилади. Қуёш нурини ҳаммамиз биламиз. Миллиардлаб фотон келади, яъни миллиардлаб тўлқин узунлиги. Ҳар битта фотоннинг ўз энергияси бор. Агарда биз ўша энг керакли қисмини ажратиб оладиган бўлсак, бизда зарур ҳарорат пайдо бўлади. Масалан, 17-22 даража инфрақизил нурланишда шунангги фотонлар келади. Тасаввур қилинг, юзлаб фотонлар келаяпти, ҳаммасини чекляпмиз-да, 17-22 даражали фотонларни ичкарига ўтказяпмиз. Демак, иссиқхонанинг ичи доим шу 22 даражада сақланади. Ҳеч қандай сунъий иситишга ҳожат қолмайди, сунъий совутишга ҳам.

Ўзбекистон шароитидан кейин Шанхай қишлоқ хўжалик академияси билан Шанхайда синовлар ўтказиб кўрдик. Ташқи ҳарорат 43 даража иссиқ бўлганда, иссиқхонадаги ҳарорат 35-36 даражани ташкил қилди. Биз кондиционер қўйганимиз йўқ. Бунақанги ҳарорат ўсимликлар учун жуда комфорт. Шунда яхшироқ ривожланади.

— Қуёшли фаслларда бу жараён тушунарли. Энди қишда қанақа бўлади?

— Ўзбекистонда ўтказган тажрибаларимиз шуни кўрсатдики, ташқи ҳарорат -5 даражагача бўлганда, плёнканинг ичидаги ҳарорат +6 даражада бўлади. Ташқи энергиясиз, сувқоғоз — плёнканинг ўзи иштирокчи. Қуёшдан келаётган фотонлар кундузи ўтгандан кейин тупроққа сингиди. Яъни, уларни тупроғимиз ютади. Ютади-да, кейин кечаси ташқарига чиқишга ҳаракат қилади. Чунки энергия-да у. Қаярғадир энергиясини сарфлаши керак. У ҳавога беради. Ҳаво ташқарига чиқади ва кун қизигандан кейин яна ташқарига ҳаракат қилади. Плёнкамиз эса уни ташқарига чиқармайди. Демак, ичкарида доим шу 22 даражали фотонлар айланиб юради, шунинг ҳисобига ҳарорат мўътадиллашади. Хитойликлар буни “мўъжизавий плёнка” дейишапти. Кўпчилик ишонмайди. Чунки унинг илмий асоси жуда мураккаб. Бу квант механикаси, нозичиқли физика билан боғлиқ.

Хўп, иситиш, совитиш, майли, ўз йўлига, яна бир муҳим жиҳати, бу тажрибада ҳосилдорлик олиши ҳам кузатилди. Ҳосилдорлик ўз-ўзидан қанақа олиши мумкин? Инфрақизил нурлар барга етиб борганда, фотосинтез жа-

раёни бошланади. Фотосинтез қанча кўп ва тез бўладиган бўлса, ўсимлик шунча тез ривожланади. Хўп, энди ривожланди, ўсди, гуллади. Энди мева туғиши учун нима қилиш керак? Чанглатиш керак. Ҳозирги кунда иссиқхоналарда сунъий чанглатишдан фойдаланилади. Одатда, деҳқонларимиз ҳар бир туп гулнинг устида ишлайди. Чунки чанглатиш ўта машаққатли меҳнат.

Тажрибада бизнинг иссиқхоналаримизда капалак, ари, шунга ўхшаган ҳашаротлар учиб юрганини кўрдик. Оддий плёнка ичида учмайди улар. Чунки иссиқхонанинг ичи доим 60-70 фоиз даражада нам бўлади. “Мўъжизавий плёнка”да эса бунақа намлик даражаси паст. Сув буғланишга етиб бормайди. Ҳашаротлар учди. Булар учгандан кейин, албатта, табиий чангланмиш юзга келади. Шунинг ҳисобига ҳосилдорлик ортади.

Яна бир нарсани кузатдик. Оддий плёнка ва тажрибадаги плёнка остига экилган ўсимликларга сув бердик-да, кейин ёз кунида бир ҳафта сув бермадик. Ҳафта ичида оддий плёнканинг тагидаги ўсимликлар қовжирашни бошлади, бизнинг плёнкамиз остида эса бу ҳолат кўринмади. Демак, бу тажриба орқали суғоришда сув сарфини 30 фоизгача камайтириш мумкин.

— Мана шу плёнка, халқ тилида айтганда сувқоғозни ишлаб чиқариш ва ўша қулайликларнинг ҳаммасини деҳқонларга тақдим этиш учун имкониятимиз етарлими ёки унинг материални бошқа давлатлардан олиб келишимиз керакми?

— Кўпчилик бу хабарни эшитгандан кейин бизга мурожаат қилаяпти. Бу плёнкани қаердан олсак бўлади, ким сотади, деб сўраяпти. Биз ишлаб чиқарувчи эмасмиз, биз технология яратамиз. Олимлар нанокунларни топиши мумкин. Лекин нанокуннинг ўзи халққа керак эмас. Уни плёнкага қўйиш керак, ишлаб чиқарувчилар бўлиши керак бунинг учун. Ҳозир тадбиркорларимиз бироз ишонқирамай турибди, лекин Хитой тадбиркорлари анча қаққон чиқиб қолди. Чунки улар амалда синаб кўришган. Бу технологиямизни германиялик ҳамкорларимиз билан ҳам муҳокама қилганмиз.

Ҳозир жиддий ҳаракат қиляпмиз, келгуси йилдан шу нанокунларни биз ишлаб чиқаришни бошласак, ҳозирча йилга 10 тонна ишлаб чиқаришимиз мумкин. 1 кило кукун 1 тонна плёнкага етади. Демак, миқдори жуда паст. Таннархи ҳам деярли ўзгармайди. Бироз қimmatроқ бўлади, холос.

Ўтган йили Паркент худудига қор кўп ёққанида, оддий плёнка қор оғирлигини кўтара олмасдан йиртилиб кетди, бизнинг плёнка осилиб қолди. Ходимларимиз плёнкамиз ёрилиб кетмаслиги учун қорни тушириб юбормоқчи бўлди, мен тегмайлик, дедим. Чунки плёнканинг қанча оғирликкача чидашини ҳам кўришимиз керак эди. Орадан уч-тўрт кун ўтди, ҳаво илиди, плёнкамиз эса яна ўз ҳолига қайтиб қолди. Демак, бу ерда полимеризация деган жараён содир бўлган, молекулалар чўзилади-чўзилади, лекин эластиклиги юқори бўлгани учун узишмайди. Энди унинг яна асл ҳолига келиши, бу умуман бошқа нарсас. Ўйлайманки, 2026 йил давомида аҳолимизга, деҳқон-фермерларимизга шу плёнкаларни етказиб беришни бошлаймиз.

— Демак, буғун юртимиз илм-фанга жаҳон илмий доиралари орасида қизиқш ортиб бормоқда, энди ўзбекистонликлар хорижа эмас, хорижликлар бизга келиб малака оширяпти дейиш мумкинми?

— Етти-саккиз йил олдин ҳам ўзбек олимнинг орузи хорижга чиқиб, илмий тадқиқотини қилиб, диссертациясини ёзиб келиш саналарди. Чунки чет элда имконият катта эди. Бугунги кунда хориждан бизга келадиганлар кўпайиб борапти. Институтимизга Франция, Германия, Россия, Қозғистон, Хитой, Жанубий Кореядан келишяпти. Бу, бир томондан юртимизда шароит ва имкониятлар яратилгани, бошқа томондан тадқиқотларимиз савиясининг ортиб бораётгани билан ҳам боғлиқ. Энди илм-фанга ёшлар кириб келишни бошлади. Демак, янги йўналишлар, янги натижалар пайдо бўлади.

Яқинда юқори энтропияли материаллар деган йўналиш пайдо бўлди. Тасаввур қилинг: самолёт, унда двигател бор, двигателнинг парралари

бор. Айтилик, 40 тонналик самолётни учирш учун қанақа куч керак? Ўша турбиналар шунақа босимга, кучга чидамли бўлиши тақозо этилади. Баъзан самолётнинг двигателига қушлар урилиб, нохуш воқеа содир бўлибди, деб эшитиб қоламиз. Қушнинг оғирлиги қанча — бир-икки килодир нари борса. Энди ўша кичиккина жусса самолётнинг турбинасига урилиб, турбинани парчалаб юбояпти. Хўп, у катта босим остида ишляпти, ҳаво келаяпти, бу тушунарли. Лекин ўша кичкинагина ташқи таъсир уни ҳалокатга олиб келаяпти. Демак, ўша турбиналар материалнинг мустаҳкамлигини ошириш керак. Бошқа томондан, унинг оғирлигини пасайтириш, энгилроқ конструкциялар яратиш талаб этилади.

Юқори энтропияли қотишма нима? Камида бешта металл олмасиз-да, уни аралаштирасиз, кейин 2000 даражада қайнатасиз, сўнг -100 даражада кескин совутасиз. Ўша юқори энтропияли материал ҳисобланади, хусусиятлари фантастик даражада бўлади. Енгил, мустаҳкамлиги жуда юқори. Бу бизнинг янги йўналишларимиздан бири. Айни пайтда россиялик олимлар ҳам бизга ҳамкорлик мақсадида мурожаат қилаяпти. Масаланинг энг катта “лекин”и, уни ишлаб чиқариш учун жуда катта ҳарорат, катта энергия керак.

Сармояга келсак, ўша энергия сарфининг ўзи катта сармоя-да. Демак, шундан келиб чиққан ҳолда, биз яна қуёшдан фойдаланадиган бўлсак, таннарх пасаяди. Бизнинг бошқалардан фарқимиз ҳам айнан шунда. Биз арзон энергияга эгамиз ва турли хил материалларни синтез қилиб ишляшимиз мумкин бўлади.

Кўпчилик илм иши машаққат, игна билан кудуқ қазиш билан баробар, дейди. Тўғри, лекин унинг жуда қизиқарли, гаштли томонлари ҳам бор. Бир материални олиб, унга бир хусусият қўшсангда, ўша хусусият натижага айлана бошласа, олим учун бундан катта хурсандчилик борми? Чунки бир янги маҳсулотдан фойдаланиладиган бўлса, ўша фойдаланиш тугагунга қадар олимга раҳмат келади.

— Домла, муассасангиздаги хилма-хил товланаётган тошларни кўриб, бу ерда нафақат газ ва металллар, балки маъданлар билан ҳам ишланадиган, деган тасаввур уйғонади.

— Бу тошлар докторантларимиз томонидан тайёрланган, қиймати бриллиантга яқин. Худди табиийга ўхшайди, товланиши қанча нозик бўлса, мустаҳкамлиги ҳам шунча пишиқ. Нима учун бу материал устида ишляпмиз? Чироили тошларни заргарлик мақсадида ишлаб чиқараётганимиз йўқ. Ушбу ўта мустаҳкам ашёни геологияда қўллаш мумкин. Бурғулаш жараёнини биламиз. Минглаб метр чуқурликка тушиш учун мустаҳкам материал керак, йўқса, парчалашиб, синиб кетади. Шунинг учун бу жараёнда олмос ишлатилади. Ўта қimmat тош бу. Агарда биз унинг ўрнини босувчи сунъий тошларга эга бўлсак, жараён осонлашади, харажат камаяди. Натижада, ер остидан олинаётган табиий бойликлар таннархи тушади.

— Домла, газетхонларимизга айтадиган яна қандай муҳим фикрларингиз бор?

— Илмий фаолият шундай қизиқ ва жозибдор жараёнки, баъзан олим ҳаётдан бир мuddат узилиб қолиши, кўп нарсаси ёдидан кўтарилиши ҳам мумкин, масалан, раҳмат айтиш. Авваламбор, мабуот ва оммавий ахборот воситалари вакиллари раҳмат айтишга бурчлими. Чунки кўплаб тадқиқотларимиз лабораторияда бўлади-да, илмий ҳамжамиятнинг ичида қолиб кетади. Минг афсус. Кўп ҳолларда илмий ишларга баҳо беришга ҳам имконият бўлмай қолади. Журналистлар шу жараёнда бизга кўмакка келади. Сиз шундай институтларга қанча кўп ташриф буюрсангиз, илм-фан ҳақида қанча кўп ёзсангиз, шунча яхши. Чунки халқимиз ҳам олимларимиз нима билан шугулланаётганини билсин. Материалшунослик институти, умуман, Фанлар академиясининг ҳамма институтларининг эшиклари бунинг учун доим очик.

— Вақтингиз тиғиз ва қimmatли бўлишига қарамайдан бизга вақт ажратганингиз учун Сизга ҳам миннатдорлик билдираимиз! Сизга каби фидойи олимларимиз кўпайсин!

Сухбатдош:

Зарнигор ИБРОҲИМОВА

ЖАҲОН АЙВОНИДА

ТИББИЙ СУҒУРТА ТАЛАБИ

2026 йил 1 январдан бошлаб Грузияда барча кирувчи чет элликлар учун янгиланган мажбурий тиббий суғурта режими кучга киради — амалдаги полисинг йўқлиги энди расмий қоидабузарликка айланади.



Бу ҳақда insure.travel суғурта марказига таяниб, РБК хабар бермоқда. Янги қоида барча хорижликларга, жумладан, Ўзбекистон фуқароларига ҳам тааллуқли.

Грузиянинг “Туризм тўғрисида”ги қонунига киритилган янгиланишларда “хорижий фуқаролар мамлакатда бўлишнинг бутун даври учун амал қиладиган тиббий суғурта полисига эга бўлишлари шарт” деб кўрсатилди. Ушбу қоида ни барча чегара пунктларида татбиқ этиш режалаштирилган.

РЕКОРДЧИ ОИЛА

Америкалик эр-хотин Лайл ва Элеонор Гиттенс ақл бовар қилмайдиган жаҳон рекордини ўрнатди: улар дунёдаги энг узок умр кўрган жуфтлик деб қайд этилди.



Гиннеснинг рекордлар китоби ўзининг ижтимоий тармоқларида америкалик жуфтлик кўрсаткичини рўйхатга олган. Эрка ва аёл расман ҳозир яшайётганлар орасида ҳам, бутун кузатувлар тарихида ҳам энг кекса эр-хотин деб тан олинди. Рекорд ўрнатилган вақтда уларнинг умумий ёши 216 ёш-у 132 кун (Лайл 108 ёшда, Элеонор 107 ёшда). Шунингдек, улар турмуш қуриш давомийлиги бўйича ҳам рекорд ўрнатди — 83 йил. Рекордлар узок умр кўришни ўрганиш бўйича халқаро LongeviQuest ташкилоти томонидан тасдиқланган.

ВИЗАСИЗ КИРИШ ШАРТЛАРИ

АҚШ президенти Дональд Трамп маъмурияти мамлакатга визасиз кириб келувчи хорижий сайёҳлардан Қўшма Штатларга киришдан олдин сўнги беш йиллик ижтимоий тармоқлар тарихини ошкор қилишни талаб қилишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда Bloomberg хабар берди.



Федерал Регистрда эълон қилинган ташаббус 42 давлат, жумладан, Буюк Британия, Франция, Австралия ва Япония каби давлатлардан келувчи ва АҚШга кириш учун виза талаб этилмайдиган сайёҳларга нисбатан қўлланилади.

КАЪБАДА СУРАТГА ТУШИШ ТАҚИҚЛАНМАГАН

Ижтимоий тармоқларда Ҳаж мавсумида Масжидул Ҳарам ва Масжидун Набавий ичида суратга олиш бутунлай тақиқланиши ҳақида хабарлар тарқалди. Бу хабарлар мутлақо асоссиз бўлиб, фейк маълумот ҳисобланади. Бу ҳақда The Islamic Information портали хабар берди.

Ҳаж ва умра вазирлиги ёки бошқа бирор давлат идораси бундай тақиқ ҳақида расман эълон қилмаган. Тирбандликни камайтириш учун тақиқ жорий этилгани ҳақидаги нотўғри маълумотлар ҳам ижтимоий тармоқлардаги текширилмаган аккаунтлардан тарқалган.

ДИНОЗАВР ИЗЛАРИ ТОПИЛДИ

Хитойдаги Сичуань провинциясида палеонтологлар 200 миллион йиллик динозавр изларини топди. Бу ҳақда Global Times хабар берди.



Тадқиқотчилар қоя деворида 20 дан ортиқ динозавр изларини кўрган, уларнинг ҳақиқийлиги Хитой Геология фанлари университети доценти Син Лида бошчилигидаги илмий гуруҳ томонидан тасдиқланган.

Топилмалар орасида турли ўлчамдаги теропод излари — йиртқич динозаврлар қолдирган излар ҳамда инсон қўлига ўхшаш хиротерий типидagi чизгилар бор.



БИР САВОЛГА БИР ЖАВОБ

ҚАЛОВИНИ ТОПИБ...

Қиш келиб, ҳаво ҳароратининг кескин пасайиши деҳқонларнинг асосий ўйловига айланади. Айниқса, кейинги йилларда иқлим ўзгариши сабабли аномал со-вуқлар қиш ойларида ташқари, баҳорнинг илк кунларида ҳам кузатилаётгани иссиқсавар саб-завотлар, кўчату дарахтлар учун жиддий хавф туғдирмоқда. Шундай шароитда эл қатори бизни ҳам бир савол қизиқтиради: экинларни совуқдан қандай асраш мумкин?

Баҳодир ИБРОҲИМОВ,
Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти директори:

— Совуқнинг экинларга таъсири асосан тупроқдаги намлик миқдори ва шамол кучи билан боғлиқ. Қуруқ тупроқ совуқни тез қабул қилади, оқи-батда илдиз музлаб шикастланади. Шунинг учун декабрь ойи бошида экинзорларни мўътадил суғориш тавсия этилади. Бу тупроқдаги иссиқликни узоқроқ сақлаб туради. Шу билан бирга, суғоришдан сўнг тупроққа озу-қа моддалар бериш фойдали. Улар илдизни мустаҳкамлаб, экиннинг со-вуққа чидамлилигини оширади. Етил-ган илдиз ва озуқа билан тўйинган ўсимлик ҳароратнинг 4–6 даражага пасайишини ҳам енгил кўтиради.

Илдиз атрофида иссиқликни сақ-лаб туриш экиннинг тирик қолиши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Айниқса, мулчлаш усули жуда са-марали. Яъни илдиз устини сомон, барг, торф ёки майдаланган ўсимлик қолдиқлари билан ёпиш орқали та-биий ҳимоя қатлами ҳосил қилина-ди. У тупроқдаги намликни сақлаб, ҳароратнинг кескин ўзгаришларини юмшатади, шамол ёки ёмғир таъси-ридан ерни муҳофаза қилади. Шу билан бирга, мулча тупроқ таркиби-ни яхшилаб, ундаги биокимёвий жа-раёнларни фаоллаштиради, илдиз-

нинг нафас олишини енгиллаштириб, экиннинг озуқа моддаларини ўзлаш-тиришини кучайтиради. Натижада илдиз соғлом ривожланади, экиннинг совуққа чидамли ортиб, қишдан ҳайиқ-майди. Гуллаётган новдаларни эса енгил мато, крафт қоғоз ёки плёнка билан ёпиб қўйиш қисқа муддатли аёзда кони фойда.

Совуқнинг иккинчи хавфли оми-ли — шамол. У ҳаводаги иссиқ қат-ламни тарқатиб юбориб, ўсимликлар-

зарур. Шу боис уларни иссиқхонада парваришlash ёки кечаси сувқоғоз билан ёпиб қўйиш керак.

Қиш фаслида энг паст ҳарорат, одатда, тонгги соат 3 дан 5 гача ора-лиқда кузатилади. Шу вақтда деҳ-қонлар даланинг айрим нуқталарида хашак ёки гўнг аралашмасини шамол йўналишига қаратиб тутатиб қўйиш-лари мумкин. Бу синашта усул ҳаво ҳароратини 2–3 даражага кўтиради, кўчатларни музлаб қолишдан асрай-



нинг тез совуқ олишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун дарахтлар ат-рофида вақтинчалик тўсиқлар қўйиш тавсия этилади. Бу нафақат шамол таъсирини қияди, тупроқ намлигини ҳам сақлаб қолади.

Тўғри, табиатда совуққа табиий чидамли ўсимликлар ҳам бор. Маса-лан, пиёз, саримсоқ, шовул, ровоч, ерқалампир (хрен) каби. Улар қишда -10–15 даражагача, агар қор остида қолса, -20–25 даражагача совуққа бардош бера олади. Шу сабаб яхши қишлайди, илдизи соғлом қолади.

Бироқ помидор, қалампир, бакла-жон каби сабзавотлар совуқни сезув-чан бўлади. Улар учун махсус ҳимоя

ди. Агар ушбу чоралар ўз вақтида қўрилса, кўпчилик ҳолатларда, ҳатто аномал совуқда ҳам ҳосилга жиддий зарар етмайди.

Совуқ ўтгандан кейинги парвариш ҳам муҳим босқич. Чунки экинлар “стресс” ҳолатидан чиқиб олиши, бунинг учун уларга қўшимча озуқа бериш ва тупроқ ҳолатини ўнглаш лозим. Бу илдиз фаоллигини қайта жонлантириб, ўсиш жараёнига иж-обий таъсир қилади. Ана шунда экин-лар аёздан омон чиқиб, барг ёзади, барқ уриб гуллайди, палак ёяверади.

Отабек ҚУТЛИБОВ
ёзиб олди.

АДАБИЙ ДЎСТЛИК



АСРЛАР ТАНЛАГАН АСАР

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида жаҳон туркий адабиётининг беназир сиймоларидан бири, буюк озарбайжон шоири Мухаммад Фузулий “Танланган асарлар” китоби тақдироти бўлиб ўтди.

Тадбирда таниқли давлат ва жамоат арбоблари, адабиётшу-нос-олимлар, шоирлар, ёзувчи-лар, ёш ижодкор ва талабалар иштирок этди.

Анжумани Ёзувчилар уюшма-си раиси, Ўзбекистон халқ шои-ри, сенатор Сирожиiddин Сайид очиб берар экан, Озарбайжон ва ўзбек адабиёти бир-бирига яқинлигини, хусусан, бу халқлар адабиёти бир-биридан руҳ олиб туришини алоҳида таъкидлаб, Мухаммад Фузулий ижодидан ға-зал ўқиб берди.

Буюк шоирнинг “Танланган асарлар” китоби дунё юзини кў-ришида таниқли шоир ва таржи-мон Мирзо Кенжабекнинг ҳиссаси алоҳида таъкидланди.


— Мухаммад Фузулий мумтоз адабиёт намоёндаларининг йи-

рик вакилларидан бири, — деди Мирзо Кенжабек. — Девон XI аср-дан бошланган маърифий назмий куплиёт бўлиб, Қуръонга, ҳадис-га асосланган. Девон адабиёти шоирлари икки йўналишда ижод қилади: “маъжоз тариқи” ва “ҳақи-қат тариқи”. Ҳазрати Фузулий ҳар икки йўналишда қалам тебратган беназир шоирдир.

— Озарбайжоннинг нуфузли “555” газетасига ушбу китоб ва таржимаси ҳақида катта бир ма-қола бердик, — деди Озарбай-жон миллий фанлар академия-си Низомиёв номидаги адабиёт университети бўлим бошлиғи, профессор Алмаз Улви. — Катта таржимон Мирзо Кенжабекнинг таржимасида Фузулий бобомиз-нинг очилмаган қирралари очи-либ, шеърсаварлар, китобхонлар учун кутилган совға бўлди. Ўйлай-манки, Мирзо оға Фузулийнинг дарду изтиробларини қалбан ҳис қилиб, унинг руҳи билан яшаб, аслият ҳолида ўзбек китобхонла-рига етказиб бера олди. Дурдона асар муборак бўлсин!

Ўз мухбиримиз.

ТИЛБИЛИМ



ДЎЛТА ва ҚАРИ БЎРИ

Дўлта сўзи болалигимда эшитган эртак ва афсоналар таъсирида ҳамон тасаввуримда беўхшов, баҳайбат, девсифат махлуқ суратини намоён қилади. Ҳозир ҳам тилимизда беўхшов, гавдаси хунук, суяги кўпол, жуда семиз одамларга нисбатан “Дўлтадай бўлмай ўл” деган ибора кўлланиб туради. Болаликнинг узун кечаларида ухламайдиган биз ўйинқароқларни оналаримиз “Ухламасанглар, ҳозир дўлта келиб сенларни обкетиб қолади” деб кўрқитганларида кўрпага бурканиб олардик.

Бу сўз тилимизда анча ўрнини йўқотиб, чеккалаб қолган бўлса-да, эртак ва дostonларимизда тез-тез учраб туради. “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари”нинг 3-жилдида “дўлта — жуссаси йирик, катта ёшли эркак бўри” деган изоҳ бор. Лекин бизга момоларимиз дўл-тани бўри деб айтилмаган, афсонавий бадбашара махлуқ сифатида таништирилган ва шундай кўри-нишда синдирилган.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да дўлта сўзи яна-да бошқача изоҳланган.

Дўлта: 1) шевада юмалоққина, лўппи, дўмбоқ. Мана сиз, бўйингиз паканароқ, лекин.. жудаям дўлта йигитсиз. (М.М.Дўст. “Лолазор” романидан).

Дўлта: 2) шевада қаймоқни қиздириб ёғини ол-гандан кейин қозонда қоладиган жиззасимон ёйиш-ли қисми.

Нима бўлганда ҳам дўлта менинг тасаввуримда бошқа нарса: ярим одам, ярим ҳайвон кўринишида-ги баҳайбат, хунук бир махлуқ. Болалигимда тасав-вуримга сингдирилган бу махлуқни дўлтабўри — қари бўри онгимдан қувиб чиқаролмади.

Эшқобил ШУКУР

ҲАЖВ

НАЗМ ТАЪРИФИНДА

Айрим қизиққан ва қизиққон мухлисларим томонидан бериладургон “назм сиз учун недур?” деган сақич саволга жузубим бул турур:

Назм кимга инжа ҳунар, кимга касбтур,
Ановинга чўзма лағмон, бунга ҳасибтур.

Ҳайла кўрсичқон афтига шоирлик ниқоб,
Қалам бирла “қитир-қитир” чоҳлар қазибтур.

Эҳ, қадимда на печка бор, на-да тўппий пол,
Байтбаракдан ҳам кўнгул, ҳам кулба исибтур.

Унда ашъор ила эрди расмий алоқа,
Норасмий алоқа пайти эл дoston тузибтур.

Шоир деган тренддамас, бугун касодда,
Баландпарвоз гапдан мардум жини қўзибтур.

Ғам емагил, эй хирандманд, бўғилма чандон,
Гуруч қоғай, шол қипиқ зумда тўзибтур.

Саттор, сатринг қисқа, умринг дароз ўлгуси,
Фаҳми калта банд шеърни атай чўзибтур.

Шеърбоз косибларнинг муҳташам анжуманида тушлик насия-сидан ошқозон фиғон айлаб, қўйлуқ кўйбозорига ёндош сомсахо-нада мазкурни хушнуд итмомига еткурдим. Санаси фаромуш.

Саттор СУРОБ


ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

Қарз беришга шошилманг!

UZCERT хизмати томонидан олиб бо-рилган ўрганишлар натижасида, сўнгги пайтларда “Telegram” орқали амалга оши-рилаётган фирибгарлик ҳолатлари кескин ўсяпти экан.

Фирибгарлар очик гуруҳларга қўшилмасдан туриб, ундаги аъзоларни кузатмоқда. Улар гу-руҳ аъзоларидан бирининг профилини тўлиқ ўрганиб, кўчириб ва қуйидаги маълумотларни нусхаламоқда: профиль расми, исм-шарифи, @username, био ва бошқа элементлар.

Кейинчалик фирибгарлар ушбу профилдан фойдаланиб, гуруҳдаги бошқа иштирокчилар-га шахсий хабар йўллаб, шошилиш равишда пул кераклиги ҳақида ёлгон маълумот юбор-моқда. Улар номаълум шахсга тегишли банк карта рақамини бериб, зудлик билан маблағ ўтказишни сўрамоқда.



Натижада, танишининг профилидан келган хабарни текширмасдан пул ўтказиб бериш ҳо-латлари кўпаймоқда ва фуқароларнинг моддий-маънавий зарар кўраётгани кайд этилмоқда.

Дўстлар, шубҳали аккаунтлар орқали келган мурожаатларга ишонманг! Агар яқинларингиз номидан хабар келган бўлса, аввало, уларнинг ўзига телефон орқали боғланиб текширишин-гиз мақсадга мувофиқ.

Куни кеча менга ҳам обрўли танишим телег-рамдан хабар ёзибди: “Шошилиш пул ўтказиб юборинг, кўнғироқ қилолмайман”. Дарров те-лефон қилдим тинчликми деб. Қарасам ҳамма ёқ тинч. Кейин бояги аккаунтга кириб яхшилаб қарасам, чат фонида “Расмий ҳисоб эмас” деган ёзув турибди. Дарҳол блоклаб қўйдим. Ўзи “Тўйдаги видео”, “Ютукли соврин”, “Бепул премиум” деган эълонларни ҳам очмай ўчириб ташлайман.

Бугун телефонни тушунмайман деган баҳо-на ўтмайди. Бўлмаса, бели огрима пул топа-диган шоввозлар толганингизни супуриб кета-ди. Қариндош ва дўстларга телеграм орқали қарз берманг! Хафа бўлса ўзига. Керак бўлса, ўзи келсин...

Зикрилла МУҲАММАД
Фейсбук

СОМСА № 1



Муаллиф фикри тахририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Тахририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Адади — 18 731

Шундан:

Кирилл ёзувида — 7 101

Лотин ёзувида — 11 630

Медиа кузатувчилар — 74 732

Бююрма: Г — 1239

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.

Нашр кўрсаткичи — 222.

Ташкилотлар учун — 223.

1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20

Девонхона: (97) 745-03-69

jadidgt@mail.ru (71) 203-24-17

Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” наشريёт-матбаа

акциядорлик компанияси

босмахонаси.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри,

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 21:00

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz